



Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

# VATANDOSH

Нархи: \$0.25

www.vatandosh.com The First Uzbek Newspaper in the U.S. | АҚШдаги биринчи ўзбекча газета | 2012 йил 7 июль, № 5 (16)



## Ватандошлар 8-бет сайилга чиқишди

Яна бу сонда:

- Андижонда Миржалол Қосимов номидаги футбол мактаби очилди **6-бет**
- АҚШ кечирим сўради **11-бет**



- Лутфулла Тўра:  
«Ўзлигимизни англашимиз,  
тарихимизни ўрганишимиз лозим»  
**2-бет**



- Нега АҚШда осиеликлар кўп пул топишади?

**7-бет**

Газетага сайтимиз орқали обуна давом этмоқда: [www.vatandosh.com/obuna](http://www.vatandosh.com/obuna)

# Лутфулла Тўра: «Ўзлимизни англашимиз, тарихимизни ўрганишимиз лозим»

"Ватандош" газетаси хорижда яшаб, узоқ йиллар давомида фан, таълим ва маданият соҳасида меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз билан суҳбатлар уюштиришда давом этади. "Ватандош" газетаси таҳририяти аъзолари ҳозирда Бруклинда истиқомат қилаётган, ўзбек миллий урф-одатлари, тили, маданияти ва тарихига алоҳида меҳр билан қарайдиган Лутфулла Тўра билан фикр алмашди.



Шуни қайд этиш кераки, Лутфулла Тўра 1945 йили Кобулда таваллуд топган бўлиб, 5 ёшида отаси қазо қилгач, Туркияга кўчиб ўтади. Сўнг 1982 йили оиласи билан АҚШга бориб, тижорат билан шуғуллана бошлайди. Лутфулла аканинг айтишича, оналари андижонлик бўлиб, уйда ўзбек тилида мулоқот қилишни умуман қилмас экан. Лутфулла аканинг хонадонидида ўзбек тарихига оид анча қўлланмалар, турли хил миллий кийимлар, тарихий воқеалар акс этган портретлар ва бошқа миллий буюмларни учратиш мумкин. Лутфулла Тўра билан суҳбатимиз ўзбек маданиятининг туркий халқлар маданиятида тутган ўрни хусусида бўлди.

- Дунёда қанча турк халқлари, давлатлари бўлса, уларнинг ўзагини, тухумини Туркистон, яъни Ўрта Осиё жўгрофияси ташкил этади, - дейди Лутфулла ака. - Яъни бугун дунёда эркин, ярим эркин туркий давлатлар бўлса, уларнинг суягида, халқлари қонида Ўрта Осиё маданиятининг катта ўрни бор. Масалан, Онадўли туркларини тунсангиз, улар Нақшбандий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Термизий, Ибн Синога кўп мурожаат қилишади. Умуман, туркий халқларнинг барча соҳаларида - фалсафа, тиб, тарих соҳаларида бизнинг, Ўрта Осиёдаги Туркистон халқларининг руҳи бор. Ўрта Осиёдан чиққан кўплаб олимлар, фикшунсларнинг асарлари Америка-

да, Оврўпода, Христиан ва Яхудий оламларида ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Али Қушчи олиб борган тадқиқотлар Туркияда кенг тадқиқ қилинган. Ўрта Осиёлик олимлар Туркия тарихида катта роль ўйнаган. Гап катта бўлиши мумкин, лекин шу нарса аниқки, Туркистон бўлмаганда Туркия бўла олмасди, яъни бизнинг Туркистоннинг шундай катта ўрни бор. Туркистон бўлмаганда Озарбайжон бўлмас эди, Туркистон бўлмаганда Қрим бўлмас эди, Қозон бўлмасди. Чунки биз бу халқларнинг ўзаги хисобланамиз. Туркистон бўлмаганида Ҳиндистондек давлат бўлмасди, Бобур бўлмаганида у давлат 86 парчага бўлиниб кетарди. Катта маданият, катта тамаддунни ким қурди? Ҳаммасини Бобур қурди. Биласиз, Бобур Андижондан борган бир йигит. Бор-йўғи 46 йил ҳаёт кечирган. Агар Яратган унга боринг 80 йил умр берганида, бугунги Ҳиндистоннинг харитаси мутлақо бошқача бўларди. Булар, албатта, бир мисол.

Тарихга қанча чуқур

кирсангиз, Ўрта Осиё, яъни Туркистон маданиятини ҳамма жойда кўриш мумкин. Амир Темур бобо пайтида, биласиз, Самарқанд Ўрта Осиёнинг эмас, балки дунёнинг катта пойтахтларидан бирига айланган. Ўша пайтда бутун дунёдаги давлатлар Темур давлатини тан олган. Испаниядан, Англиядан бе-



жизга вакиллар келмаган. Айни чоғда Ислондинига ҳам катта хизматларимиз сингган. Тан олиш керак, бу диннинг равнақиға энг катта хизматни араблардан кўра биз қилганмиз. Ҳам маъ-

навий, ҳам маданий нуқтаи назаридан туркистонлик олимларнинг динимиз ривожигаги ўрни бебаҳодир.

Ўзбекистоннинг тарихини 50 томлик китобларга сиғдириб бўлмайди. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг калитидир. Ўзбекистоннинг шундай тарихи борки, заминдаги тоғлар, тупроқлар, қўёшда тил бўлса, айтса, ёзишга қалам сиёҳи етмагай. Аммо, афсуски, кўпчилигимиз ўз тарихимизни, маданиятимизни билмаймиз. Биз ўз тарихимизга эга бўлишимиз керак. Ўрта Осиёда маданият маркази бўлган жой, бу - Ўзбекистон. Буни инкор қилиш керак эмас.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, ўзбек маданиятининг туркий халқлар маданиятида тутган ўрни хусусида гап кетганда, ойлар, йиллар камлик қилади. Мана, қаранг, муस्ताқил бўлганимизга 21 йил бўлди. Худога шукр, кўп нарсаларни қўлга киритдик. Баъзилари кўзга кўринмайди. Аммо давлат бўлиб, халқ бўлиб, бўй чўзиб бораёلمиз... Лекин биз катта давлатларга, ривожланган мамлакатларга ўз маданиятимиз, сиёсатимиз билан кириб боришимиз лозим. Бунинг учун ўзлимизни англашимиз, тарихимизни, маданиятимизни чуқур ўрганишимиз керак.

Vol. 5 (16). Saturday,  
July 7, 2012

Publisher:  
**Farhod Sulton**  
farhod@vatandosh.com

Editor-in-Chief:  
**Behzod Mamadiev**  
behzod@vatandosh.com

Deputy Editors:  
**Davronbek Tojialiev**  
davronbek@vatandosh.com

**Mavlon Shukurzoda**  
shukurzoda@vatandosh.com

Editors:  
**Alisher Aymatli**  
aymatli@vatandosh.com

**Toshpulat Rahmatullaev**  
toshpulat@vatandosh.com

Managing Editors:  
**Jora Bo'takoz**  
**Lutfulla To'ra**  
**Narkhudja Sadikov**  
**Abdulvohid Sabri**  
**Abdurahim Khamidov**  
**Abdurahmon Mamanjanov**  
**Ubaydulla Noorota**  
**Hikmat Sulton**  
**Tamara Nazarova**

Web Developers:  
**Shukhrat Pardaev**  
**Shohruh Kenjaev**

Partner organization:  
**Uzbek Association of  
Commons**

**Editorial and Executive  
office:**

2705 Coney Island Ave.  
Brooklyn, NY. 11235  
**Phone:** 646.397.0325  
**Web:** www.vatandosh.com  
**Email:** info@vatandosh.com

*All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc, and cannot be reproduced without the due consent of the publisher. The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view. We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.*

## “ВАТАНДОШ”ГА ОБУНА БЎЛИНГ:

Газетамизга обуна бўлинг. "Ватандош" ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин.

[www.vatandosh.com/obuna](http://www.vatandosh.com/obuna)

# Ўзбекистоннинг Нью-Йоркдаги Консули Дурбек Амановнинг «Ватандош» газетасига берган интервьюси

**Маълумки, "Ватандош" газетаси Ўзбекистон Республикасининг Нью-Йорк шаҳридаги Консули Дурбек Аманов билан суҳбат уюштириш мақсадида Facebookдаги саҳифамиз орқали ўқувчиларимиздан саволлар олган эдик. Биз саволлар бўйича консул билан бевосита видео-суҳбат уюштиришни режалаштирган эдик. Аммо айрим техник сабаблар туфайли ушбу ниятимиз амалга ошмай қолди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон Республикасининг Нью-Йорк шаҳридаги Консули Дурбек Аманов тахририят томонидан юборилган саволларга атрофлича жавоб берди. Шунинг учун тахририятимиз номидан ташаккур билдирамиз. Қуйида ушбу жавобларни эътиборингизга ҳавола этамиз.**

— Авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг Нью-Йорк шаҳридаги Бош консулхонаси номидан "Ватандош" газетаси таъсисчилари ва муҳарририятига ушбу суҳбатни ташкил этиш ташаббуси учун миннатдорчилик билдирмоқчиман, — дейди Консул. — Ватандан йироқда, хусусан АҚШда яшаётган ҳамюртларимиз учун газетангиз маънавий озуқа бўлиши билан

циялар, кўптомонлама ва иккитомонлама қабул қилинган битимлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Консулик Устави ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида амалга оширилади. Хусусан, Консулик Уставининг 3-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг консулик муассасалари чет элда Ўзбекистон Республикасининг ҳамда

бошқа алоқаларни муस्ताҳкамлашга ҳисса қўшади.

Шуни таъкидлаш жоизки, барча консулик муассасалари ўзларининг консулик ҳудудларига эгадирлар. Масалан, Ўзбекистоннинг Нью-Йоркдаги Бош консулхонаси фаолият ҳудудига АҚШнинг 32 штати, Канада, Мексика ва Марказий Америка мамлакатлари киради. Қолган штатлар ва Жанубий Америка мамлакатлари Ўзбекистоннинг Вашингтон шаҳридаги элчихонаси консулик бўлими ҳудудига киради.

Баъзи вазифаларимизга батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, консулхонамиз қуйидаги кундалик амалий ишлар билан шуғулланади:

- АҚШ, Канада, Мексика каби мамлакатларга доимий яшаш учун ва вақтинчалик (ўқишга, ишлашга ва ҳоказо) келган Ўзбекистон фуқароларини консулик рўйхатига олиш, уларга керакли ҳужжатларни расмийлаштириб бериш ва тегишли ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

- консулик ҳудудида яшаётган Ўзбекистон фуқароларининг фуқаролик ҳолатларини қайд этиш - никоҳ, туғилганлик ва ўлим ҳақидаги гувоҳнома-

ларни расмийлаштириш;

- фуқаролик масалаларига тегишли бўлган ҳужжатлар қабул қилиш;

- доимий яшаш жойлари (прописккалари) Ўзбекистонда бўлган ҳолатда хорижда вақтинча юрган ва паспортларини йўқотган ёки паспортларининг муддати тугаган фуқароларимизга Ўзбекистонга қайтиш гувоҳномаларини расмийлаштириш;

- консулик ҳудудида истиқомат қилаётган фуқароларимиз учун турли ҳужжатларни, шу жумладан, далолатномаларни нотариал тасдиқлаш;

- консулик ҳудудида ҳибсга олинган, судланаётган ва жазо ўтаётган Ўзбекистон фуқароларига нисбатан ушбу хорижий давлат қонунлари ва тегишли халқаро битимлар қўлланишини назорат қилиш;

- АҚШ, Канада ва бошқа хорижий давлат фуқароларига Ўзбекистонга кириш визаларини расмийлаштириш ва ҳоказо.

- **Элчихона ва консулхона АҚШдаги ҳамюртларимиз учун қандай маданий тадбирлар ўтказиб келмоқда?**

- Ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини Америкада тарғиб қилиш ва кенг намойиш этиш ваколатхоналаримиз фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Бу ишда АҚШ ва Канадада яшаётган ҳамюртларимиз билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Вашингтон, Нью-Йорк шаҳарлари ҳамда Нью-Жерси штатидаги Довер шаҳарчасида ҳамюртларимиз билан биргаликда кўплаб маданий тадбирлар ўтказилади.

Ҳар йили 1 сентябрь Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан Нью-Йорк шаҳридаги дунёнинг энг йирик молиявий ва ишбилармон маркази

ҳисобланувчи Уолл-Стритда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тантанали кўтарилиш маросими ўтказилади. Бу маросимда АҚШнинг расмий, ишбилармон ва жамоатчилик вакиллари билан бирга Америкада яшаётган ва ўқиётган юртдошларимиз фаол қатнашадилар. Тадбирда ўзбекистонлик санъат усталарининг чиқишлари намойиш этилади. Вашингтондаги элчихонамиз ва Нью-Йоркдаги ваколатхоналаримиз томонидан Мустақиллик байрамига бағишланган расмий қабул маросимларида АҚШдаги ватандошларимиз мунтазам қатнашадилар.

2011 йилда Канаданинг Торонто шаҳридаги ҳамюртларимиз билан биргаликда Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган катта байрам тадбирини ўтказдик. Унда Канадада яшовчи ватандошларимиз билан бир қаторда, шу мамлакатнинг сиёсий ва жамоат арбоблари, ишбилармон доиралари, илмий ва маърифий соҳа вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Сўнги йилларда АҚШда Ўзбекистоннинг таниқли санъаткорлари иштирокидаги концертлар тез-тез ташкил этилмоқда. Йил давомида Вашингтон, Нью-Йорк ва Филадельфияда, Нью-Жерси штатида таниқли "Регистон" гуруҳи ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитовалар иштирокида қатор маданий тадбирлар ўтказилди.

Шу йил январь ойида Нью-Йоркдаги жаҳонга машҳур Карнеги Холл концерт залида халқимизнинг маданий дурдонаси бўлмиш "Шашмақом"га бағишланган катта мусиқий

(Давоми 4-бетда).



бирга, уларга маълум даражада ҳуқуқий сабоқлар беришга интилаётгани мақтовга сазовор. Бундай хайрли фаолият "Ватандош" газетасининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолишини истар эдик.

- **Консулнинг асосий вазифалари нималардан иборат?**

Ўзбекистон Республикасининг консулик муассасалари фаолияти мавжуд халқаро конвен-

Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар. Шу билан бирга, консулик муассасаларимиз Ўзбекистон ва қабул қилувчи давлат, бизнинг мисолимизда АҚШ ва Канада, ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга ҳамда ушбу мамлакатлар билан иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданий ва

# Ўзбекистоннинг Нью-Йоркдаги Консули Дурбек Амановнинг «Ватандош» газетасига берган интервьюси

(Давоми. Бошланиши 3-бетда).

фестиваль ўтказилди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон, АҚШ, Исроил ва Франциялик таниқли ижроичилар ва мусиқашунос олимлар қатнашдилар. АҚШнинг қатор штатлардан келган шашмақом мухлислари бир неча соат давом этган концерт дастурини мароқ билан тинглаб, томоша қилдилар.

Март ойида Туркистон-Америка жамияти, Чикагодаги Ўзбек-Америка жамияти, Бруклиндаги "Муруват" маркази ва "Ватандош" газетаси билан биргаликда Нью-Жерсида, Чикаго ва Нью-Йорк шаҳарларида Наврўз байрами кенг нишонланди.

Бу ўринда элчихона ва консулликнинг Туркистон-Америка жамияти билан алоқалари диққатга сазовордир. Ҳозирги кунда ушбу жамият АҚШда ўзбек тили, маданияти ва халқимизнинг урф одатларини сақлаб, ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Жамият Довер шаҳарчасида "Ўзбек уйи" деб аталадиган ўз биносига эга. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 2008 йилда Ўзбекистон Ҳукумати томонидан юборилган моҳир усталар ушбу бинони таъмирлаб, унга ўзига хос миллий руҳ бердилар.

Бугунги кунда Туркистон-Америка жамияти Ўзбекистон ва АҚШ халқлари ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантириш борасида фаол хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ва маърифий ҳамкорликни мустаҳкамлашга АҚШ ва Канада бухоро яхудиёлари конгресси ҳам ҳисса қўшиб келмоқда.

Умид қиламизки, халқимизнинг бой тарихи ва маданиятини Америка жамоатчилигига яқиндан таништиришда бу ерда яшайётган барча ҳамюртларимиз ўзларининг хиссаларини қўшадилар. Она-Ватанимиз, буюк аждодларимиз, юксак маданиятимиз, меҳмондўст ва меҳнатсевар халқимиз ҳақида америкаликлар қанча кўп билсалар, жонажон Ўзбекистонимизга нисбатан уларнинг ҳурматлари шунчалик юқори бўлади.

- Консулхона Ўзбекистонда туризмни ривожлан-

тиришга қандай ҳисса қўшяпти?

- Авваламбор шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини юксалтириш масалаларига Ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистонга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар сонининг йилдан йилга ошиб бориши юртимиздаги туризм масканлари ва бу соҳа тармоқларининг тобора ривожланиб бораётганидан далолат беради.

2011 йилда Ўзбекистонга сафар қилувчи АҚШ ва Канада фуқароларига ваколатхоналаримиз томонидан бериладиган "турист" визаларининг сони 30 фоизга кўпайганини айтиш лозим.

Америкада Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий меъросини тарғиб этиш, ҳамда мамлакатимиздаги қадимий ва ажойиб туризм масканларини тақдим этиш борасида ваколатхоналаримиз фаол иш олиб бормоқда.

Бугунги кунда АҚШ ва Канададаги ўндан ортиқ йирик туристик компаниялар билан яқин ишчи алоқалар ўрнатганмиз. Улар билан биргаликда қатор кўшма тадбирларни ўтказилмоқда. Ўз навбатида малакатимизда ўтадиган йирик туризм кўргазмалари ва маданий тадбирларга АҚШ ва Канаданинг туристик компаниялари вакиллари ҳам жалб қиламиз.

Шу йил январь ойида Сиэтл шаҳрида "MIR Corporation" компанияси билан ҳамкорликда "Буюк ипак йўли масканлари" номи тақдирот маросимини ўтказдик. Унда Сиэтл шаҳри расмий ва жамоатчилик вакиллари, ишбилармон доиралари, Вашингтон университети ўқитувчи ва талабалари иштирок этдилар. Тадбир давомида Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларимиз ва Ўзбекистоннинг туризм имкониятлари ҳақида намойиш этилган махсус дастур иштирокчиларда жуда катта қизиқиш уйғотди.

Март ойида консулхона мамлакатимизнинг БМТдаги ваколатхонаси ва "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан биргаликда "The New York Times Travel

Show" кўргазмасида иштирок этдилар. Американинг "Silk Road Treasures Tours" компанияси ёрдамида ташкил этилган Ўзбекистон тенди 3 кун давомида юзлаб сайёҳат ишқибозларининг эътиборида бўлди. Бундан ташқари кўргазма давомида иккита тақдирот маросими ўтказилиб, унда ўзбек миллий мусиқа ва рақслари ҳам намойиш этилди.

Шу йил давомида Пенсильвания, Калифорния ва Орегон штатлари ва Канаданинг Торонто шаҳрида Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятига бағишланган яна бир нечта тадбир ўтказишни режалаштирганмиз.

- АҚШда доимий турар жойни расмийлаштириш жараёни ва керакли ҳужжатлар (АҚШ фуқароси билан никоҳ қурганлик ҳақида) ҳамда Ўзбекистон фуқаролигидан чиқиш жараёни икки йилгача давом этади. Жаноб Консул, бу муддат мобайнида Ўзбекистонга иккита паспорт (Ўзбекистон ва АҚШ) билан кириб-чиқиш қонунийми?

- "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида"ги Қонуннинг 1-боб 10-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахснинг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасидан хорижга доимий яшашга кўчиб кетиб, икки фуқаролик ҳолатида бўлган шахсларга қуйидаги икки йўлдан бири тақдирот этилади:

- Ўзбекистон фуқаролигидан қолиш истагида бўлган шахслар бошқа давлат фуқаролигидан воз кечишлари, консуллик рўйхатида туришлари ва фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортдан фойдаланишлари лозим;

- хорижий давлат фуқаролигидан қолиш истагида бўлган шахслар консуллик рўйхатида туриб, Ўзбекистон фуқаролигидан чиқиш учун ариза ва тегишли ҳужжатларни топширишлари лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони чиққунга қадар бундай шахсларга фуқароликдан чиқиш учун ҳужжат топширганликларини тасдиқловчи маълумотнома берилади. Ушбу маълумотнома билан фуқаро-



Ўзбекистонга икки паспорт билан бориб келиши мумкин. Аммо бундай ҳолатда мазкур фуқаронинг хорижий پاسпорти фақат тегишли чет давлатга чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат сифатида қаралади.

Икки фуқаролик ҳақида савол кўтарилган экан, бу масалага баъзи бир муҳим аниқликлар киритмоқчиман.

Биринчидан, бошқа хорижий давлат фуқаролигини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик - хар бир шахснинг фуқаролик ҳуқуқидир. Шу билан бирга, фуқароликдан чиқиш "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида"ги Қонун ва тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилиши лозим.

Иккинчидан, фуқароларимизнинг бошқа давлат, хусусан АҚШ ёки Канада фуқаролигини қабул қилиши, айна вақтда улар Ўзбекистон фуқаролигидан чиқди, деган маънони англатмайди. Буни билмаган баъзи фуқароларимиз "мен Америка фуқаролигини қабул қилдим, шунинг учун Ўзбекистонга бориш учун виза олишим керак", деб консулхонамизга мурожаат қилдилар. Бундай фуқароларимизга яна бир бор эслатиб ўтамиз - Ўзбекистон фуқаролигидан чиқиш фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида расмийлаштирилади. Шундан кейингина бу фуқаро хорижий давлат фуқароси сифатида тан олинishi мумкин.

Учинчидан, икки фуқароликни тан олмаслик фақат Ўзбекистон қонунчилигида қайд этилган эмас. Дунёнинг жуда кўп мамлакатлари, жумладан қатор Европа давлатлари ва АҚШда ҳам икки фуқаро-

лик тан олинмайди.

Бошқа давлат фуқаролигини қабул қилган шахс ўз зиммасига бир қанча ҳуқуқий ва сиёсий мажбуриятларни олади. Жумладан, АҚШ фуқаролигини қабул қилишдаги қасамд матнини диққат билан ўқиб чиқсангиз, буни яхши тушунасиз. Шунинг учун бу масалага ниҳоятда жиддий ёндашишни, ҳар тарафлама ва чуқур ўйлаб, кейин қарор қабул қилишни тавсия қилган бўлар эдик.

- Ўзбекистон фуқаролигидан чиқиш учун нима қилиш керак?

- АҚШ ва Канадада Ўзбекистондаги доимий яшаш жойидан рўйхатдан (пропискдан) ўчиб, чет элга доимий яшаш учун кетган фуқароларимиз Ўзбекистон фуқаролигидан чиқишга доир ҳужжатларини Бош консулхонага топширишлари мумкин. Консулхона вэб-сайтида бу ҳақда батафсил маълумот берилган ва керакли ҳужжатлар нусхалари кўрсатилган.

- [www.uzbekconsulny.org](http://www.uzbekconsulny.org) сайтыда нега ҳамма ҳужжатларнинг шакли йўқ?

- Асосий ҳужжатларнинг шакллари сўйимизга киритилган. Фақат баъзи нотариал тасдиқланиши керак бўлган аризалар ва ишончномалар намуналари қўйилмаган. Бунинг сабаби - турли ташкилот ва идораларнинг ҳужжат матнига бўлган талабларидир.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда чет элдаги фуқароларимизга қўшимча қулайликлар яратиб ҳамда иш унуми ва сифатини ошириш мақсадида барча консуллик муассасаларимиз сайтларини такомиллаштириш бўйича иш олиб борилмоқда. Яқин орада бошқа турдаги ҳужжатлар

(Давоми 5-бетда).

Маълумки, 2010 йил декабрда АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтоннинг Тошкентга ташрифи чоғида Ўзбекистон ҳукумати билан илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди. Ушбу битим доирасида икки давлат фан ва таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бормоқда.

## Кати Кэмпбел: «Илм-фан муштарак тилдир»

Хусусан, шу йилнинг бошида халқаро микёсда фан ва таълим соҳасида ҳамкорликни рағбатлантирувчи CRDF Global халқаро ташкилоти билан англашув меморандуми имзоланган эди. Май ойида эса бутун дунёга машҳур Webster University билан Тошкент ахборот технологиялари институти ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Яқинда Ўзбекистонга ташриф буюрган CRDF Global халқаро ташкилоти раҳбари Кати Кэмпбел хоним бу ҳужжатлар АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар нафақат сиёсий ва иқтисодий, балки гуманитар соҳаларда такомиллашиб бораётганини кўрсатади, деб қайд этди.

Кати Кэмпбел хонимга кўра, бугунги кунда CRDF Global халқаро ташкилоти

Ўзбекистон фуқаролари учун ҳам бир қатор фан ва таълим дастурларини рўйбга чиқармоқда. Шулардан бири фан ва технология ташаббуслари орқали Глобал инновация бўлиб, у Яқин Шарқ, Африка ва Осиё мамлакатлари учун мўлжаллангандир. Шу йилнинг июль ойида очилидаган мазкур ташаббус иқтисодий нуқтаи назардан ҳам аҳамиятлидир. Чунки Глобал инновация ташаббуси фаолият юритадиган мамлакатлар иқтисодиётига фан ва инновация ютуқларини фаол татбиқ этишни мақсад қилган.

"Бугун жуда кўплаб мамлакатлар фан ва муҳандислик соҳаларига инвестиция

йўналтириб бормоқда. Айтиш чоғида бу борада жуда кўплаб иқтидорли ёшлар борлигини ҳам тан олиш керак. Халқаро бозорда муваффақиятларга эришиш учун маҳаллий экспертларни кашф эта билиш керак... Албатта, илм-фан жуда серхаражат соҳа. У битта давлат учун оғирлик қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам харажатлар бўлинмоғи керак", деди Кати Кэмпбел хоним АҚШ элчихонасида ташкил этилган давра суҳбатида.

Кати Кэмпбел хоним ўз ташрифидан кўзланган яна бир мақсад Ўзбекистон олимлари ва тадбиркорларини мазкур халқаро ташкилот олиб бораётган дас-



турларда фаол иштирок этишга жалб қилиш эканлигини алоҳида қайд этди.

"Илм-фан катта қудратга эга. У сиёсий, маданий ва тил билан боғлиқ турли тўсиқларни ҳам енгиб ўта олади, кўпгина соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга туртки беради. Шу маънода айтганда, илм-фан муштарак тилдир"

Ташриф давомида, шунингдек, CRDF Global халқаро ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди.

## Ўзбекистоннинг Нью-Йоркдаги Консули Дурбек Амановнинг «Ватандош» газетасига берган интервьюси

(Давоми. Бошланиши  
4-бетда).

нинг шакллари ҳам сайтимиздан жой олади.

- Америкада фарзанд кўрганлар болани Консулликда рўйхатдан ўтказиш керакми?

- Ҳар иккала ота-онаси Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳолда хорижда туғилган фарзандларга Ўзбекистон Республикасининг туғилганлик ҳақида гувоҳномасини консулхонада расмийлаштириш лозим. Фарзандларни бошқа турдаги рўйхатдан ўтказиш кўзда тутилмаган.

- Ўзбекистонга чет элдан меҳмонни чақириш учун визани қанча муддат кутиш керак?

- Агар хорижлик меҳмон АҚШ фуқароси бўлса, унга "Турист" визасини расмийлаштириш учун таклифнома талаб қилинмайди. Бунда Бош консулхонага ушбу шахснинг тегишли ҳужжатлари топширилади ва, одатда, 7 иш куни давомида виза расмийлаштирилади.

Чет эл фуқароси Ўзбекистонга хусусий таклиф асосида ва меҳмон сифатида боришни режалаштираётган бўлса ҳамда у ташриф даво-

мида меҳмонхонада эмас, балки шахсий манзилда яшайдиган бўлса, унга ички ишлар идоралари орқали таклифнома расмийлаштириш лозим. Бунинг тартиби, қандай ҳужжатлар топширилиши ва таклифнома қанча муддатда кўриб чиқирилиши ички ишлар идоралари томонидан белгиланади.

- Баъзи масалаларни ҳал қилиш консулнинг қўлидан келмаса, бу масала бўйича тегишли идораларга мурожаат қиладими?

- Ҳа, албатта. Қатор масалалар бўйича консулхона Ўзбекистондаги бошқа ташкилотлар билан биргаликда иш кўради. Масалан, кўпинча фуқароларимиз Ўзбекистонда судланмаганликлари тўғрисида маълумот сўраб мурожаат қилишади. Бундай мурожаатларни Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигига юборамиз ва у ердан керакли маълумот келгач, тегишли фуқаромизга етказамиз.

- Паспортимни йўқотиб қўйдим. Нима қилишим керак?

- Биринчи навбатда, маҳаллий полиция маҳкамасига мурожаат қилиб, ҳужжат йўқолганлиги ҳақида

"Police Report" деган маълумотнома олиш лозим. Шундан кейин иккита фотосурат билан биргаликда Бош консулхонага мурожаат қилиш керак. Агар ушбу фуқаронинг доимий яшаш жойи Ўзбекистонда бўлса, унинг фуқаролиги тасдиқлангандан сўнг, Бош консулхона унга Ўзбекистонга қайтиш сертификатини расмийлаштириб бериши мумкин. Ўзбекистонга қайтгандан сўнг бир ой муддат ичида ушбу фуқаро янги паспортини расмийлаштириши лозим.

Шунга ўхшаш саволлар билан Бош консулхона веб-сайтида кўрсатилган телефонларимизга ёки электрон почтаимизга мурожаат қилишнинг мумкин. Биламиз, баъзан фуқароларимиз биз билан телефон орқали боғланишлари қийин бўлади. Бунинг маълум сабаби бор.

Юқорида айтиб ўтганимдек, Бош консулхона фаолият ҳудудига АҚШнинг 32 штати, Канада, Мексика ва Марказий Америка мамлакатлари қиради. Бугунги кунда бу ҳудудда бир неча минг фуқароларимиз истиқомат қилмоқда. Бир кунда консулхонамизга телефон орқали ўрта

ҳисобда 40 га яқин, электрон почтаимизга 20 дан ортиқ мурожаатнома-лар келиб тушади. Яна 20-25 та ҳужжат почта хизмати орқали келади. Бундан ташқари, кундалик 30-40 киши, баъзи пайтларда 60 нафаргача фуқароларимиз турли мурожаатлар билан бевосита консулхонанинг ўзига келади.

Телефон кўнғироқларига ходимимиз соат 10.00 дан 13.00 гача ва 15.00-18.00 жавоб беради (ички телефон рақами - 108). Кўпинча телефон қилаётган фуқароларимиз саволларига атофлича жавоб бериш 10-15 дақиқача вақтни эгаллайди. Табиийки, шу пайтда бошқа фуқароларимиз телефон орқали биз билан боғлана олмайдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг консуллик ҳудудимизда яшаётган барча фуқароларимизга ўз мурожаат ва саволларини Бош консулхона электрон почтасига юборишларини тавсия этамиз. Электрон почта манзилимиз info@uzbekconsulny.org. Почтаимиз бир кунда икки марта текширилади ва унга келиб тушаётган барча мурожаатларга 24 соат ичида жавоб берамиз.

## Абдулазиз Комилов: «Ўзбекистон ҳудуди орқали 400 минг тоннага яқин ноҳарбий юклар етказиб берилган»

Хабарингиз бор, шу йилнинг 20-21 май кунлари Чикагода НАТОнинг саммити бўлиб ўтган эди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

“Янги Европа” онлайн-нашрининг ёзишича, саммит доирасида Абдулазиз Комилов сўз олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида қўшни мамлакатлар, АҚШ, Россия ва НАТО ҳамкорлигида “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил этиш Афғон муаммосини ҳал қилишда муҳим омиллардан бири бўлишини таъкидлади.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири расмий Тошкентнинг Афғонистон муаммосини ҳал этишдаги ўрни ҳақида сўз юритиб, Ўзбекистон биринчилардан бўлиб Афғонистон операциясини амалга ошириш учун гуманитар ва ноҳарбий юкларни ўтказиш мақсадида Хайратон кўпригини очганлигига урғу берди. Ушбу транспорт йўлаги

Афғонистонни ташқи дунё билан боғловчи ягона темир йўл тизими эканлиги билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. “Афғонистон ҳудудида Ўзбекистон кўмагида ўнлаб кўприклар, автомобиль йўллари барпо этилди. Ҳозирги пайтда Кобул шаҳри тўлиқ электр энергия билан таъминланмоқда. Афғонистон Ўзбекистоннинг оптик толали алоқа линиясига уланган”, деди Абдулазиз Комилов.

Ташқи ишлар вазири ўз нутқида, шунингдек, “Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан бунёд этилган Хайратон - Мозори Шариф темирйўли 2011 йилдан бери минтақа келажаги учун муҳим роль ўйнамоқда. Мозори Шарифдан темирйўлнинг

Шибиргонгача давом эттирилиши Трансафғон корридор лойиҳасини амалга оширишда кўл келади. Ушбу лойиҳа Марказий Осиё мамлакатларини денгиз портларига олиб чиқувчи энг яқин йўл вазифасини бажариши мумкин”, деб таъкидлади.

Абдулазиз Комиловга кўра, 2002 йилнинг февралдан Термиз аэропорти Афғонистонда Халқаро хавфсизликка кўмаклашиш кучлари миссиясини амалга оширишда Германия томонидан самарали фойдаланиб келинмоқда.

“Бугун Ўзбекистон Шимолий таъминот тармоғида муҳим аҳамиятга эга давлатлардан ҳисобланади. Зеро, ушбу транспорт ва алоқа корридори Болтиқ ва Қора



денгиз портларини Афғонистон билан боғлаб, НАТО ҳарбий контингентини қўллаб-қувватлашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Шимолий таъминот тармоғи ишга тушгандан бери 400 минг тоннага яқин ноҳарбий юклар Ўзбекистон ҳудуди орқали етказиб берилган”, дея хулоса қилади Ўзбекистон ташқи ишлар вазири.

## Андижонда Миржалол Қосимов номидаги футбол мактаби очилди



“Бунёдкор” футбол клуби расмий веб-сайти маълумотларига қараганда, Андижон вилоятининг Избоскан тумани Пойтуғ шаҳарчасида янги спорт иншооти фойдаланишга топширилди. Сайт тарқатган хабарда келтирилишича, ушбу спорт мажмуасида Ўзбекистон футболнинг ёрқин юлдузларидан бири, ҳозирги кунда “Бунёдкор” футбол клуби, шунингдек, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов номидаги футбол мактаби очилган.



Сайт “Эътиборлиси, ушбу футбол мактаби Миржалол Қосимов номи билан юритилади. Мустақиллик йилларида бундай футбол мактаби мамлакат миқёсида биринчи бор ташкил этилаётгани қувонарлидир”, деб ёзади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистонда инсон ҳали тирик бўла туриб, бундай ижтимоий аҳамиятга эга иншоотларга унинг номини бериш унчалик кенг тарқалмаган. Янги футбол мактабининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва Тошкентнинг “Бунёдкор” футбол клуби бош мураббийи Миржалол Қосимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи ва таниқли шарҳловчи Ахбор Имомхўжаев иштирок этди.

“Миржалол Қосимов номидаги футбол мактаби” ўз номига мос равишда клубларимиз, миллий терма жамоамиз учун янгидан-янги юлдузларни тарбиялаб, Миржалол Қосимов сингари фидойи, шижоатли, жасур футболчиларни етиштириб беради, деб ният билдиради “Бунёдкор” футбол клуби веб-сайти.

Буюк Британиянинг British Petroleum (BP) компанияси экспертлари томонидан тайёрланган жаҳон энергетикаси бўйича ҳисоботга кўра, 2011 йил якунлари бўйича Ўзбекистондаги нефть захиралари 100 млн. тонна нефть ва 1,6 трлн.метр куб газ миқдорида баҳоланди.

### Ўзбекистон кўнига 91 минг баррель нефть истеъмол қилди

“Регнум” ахборот агентлигининг ёзишича, бу 2010 йил даражасида сақланиб қолган. “BP”га кўра, ўтган йили

Ўзбекистонда 2010 йилдаги каби 3,6 млн. тонна, яъни суткасига ўртача 86 минг баррель нефть қазиб олган. Ушбу кўрсаткич 2010 йилда 87 минг баррелни ташкил этган эди.

Нефть истеъмоли ҳажми 2010 йилдаги 0,7 фоиз, яъни 4,3 млн. тоннадан 2011 йилда 4,4 млн.тоннага ошган. Мамлакат ичкарасида ўртача суткалик нефть истеъмоли 2011 йилда 91 минг баррелни ташкил этган.

Шу билан бирга, 2011 йилда Ўзбекистонда 57 млрд.метр куб газ қазиб олинган. Бу 2010 йилдагига нисбатан 4,4 фоизга камдир.

# АҚШ Давлат котибининг биринчи ўринбосари Уильям Бернс Ўзбекистонга ташриф буюрди

Ўзбекистон Республикаси Президенти АҚШлик дипломатни қабул қилди.

Уильям Бернс Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, АҚШ раҳбарияти Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Батафсил суҳбат чоғида ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишлари, икки томонлама муносабатларга оид энг долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 20 йил давомида томонлар ўзаро конструктив ҳамкорлик борасида салмоқли тажриба тўплагани таъкидланди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан икки томонлама муносабатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаол ривожлантириш имконини берадиган кенг қамровли ҳуқуқий асоси яратилди.

Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги мунтазам алоқалар, кенгайтирилган парламентлараро, давлат ва фуқаролик жамияти тузилмалари ўртасидаги кўп томонлама



мулоқотлар ўзаро муносабатларни комплекс тарзда раванқ топтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда АҚШ сармояси иштирокида тузилган 240 корхона фаолият кўрсатмоқда. АҚШнинг 48 етакчи компанияси ваколатхоналари мамлакатимизда рўйхатдан ўтказилган. Учрашувда томонлар АҚШнинг қатор етакчи корпорацияларининг Ўзбекистон бозоридаги самарали фаолияти натижасида тўпланган тажрибага таянган

ҳолда, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, юқори технологияли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам кўрсатишга тайёр экани таъкидланди.

Суҳбат чоғида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди, деб хабар беради Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги.

**Маълумки, шу кунларда АҚШда малакали иммигрантлар жалб этиш борасида турли баҳслар бўлмоқда, сиёсат ва жамоат арбоблари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда, турли ижтимоий сўровлар ўтказилмоқда.**



## Нега АҚШда осиеликлар кўп пул топишади?

Сўнгги ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар шуни кўрсатаяптики, АҚШда энг яхши пул топаётган, тез ўсаётган ҳамда яхши таълим олганлар асосан Осиёдан келган иммигрантлар экан. Чунончи, 1980-2010 йиллар давомида АҚШдаги осиеликлар сони 18 миллионга етган. Бу мамлакат аҳолисининг 6 фоизини ташкил этади. Уларнинг асосий қисми Хитой, Ҳиндистон, Япония, Корея, Филиппин ҳамда Вьетнамдан келган иммигрантлардир.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, осиеликлар асл америкаликларга қараганда оилани, ота-она бўлишни, карьера қилишни кўпроқ қадрлашади. "21-асрда осиеликлар энг малакали меҳнат кучидир. Аммо улар ўзлари билан аънава ва қадриятларни олиб келаётганини унутмаслик лозим", дейди Пью тадқиқот маркази ижрочи вице-президенти Пол Тайлор.

АҚШда аҳолининг бор-йўғи 30 фоизи коллеж даражасига эга бўлган бир шароитда, осиеликларнинг ярми олий маълумотга эга. Қувонарли жиҳати, америкаликларнинг ўртача йиллик даромади 49 минг доллар бўлса, кунчиқар мамлакатлардан келганлар йиллик топар-тутари 66 мингдан ошади.

Сўнгги йилларда Америкада Осиё мамлакатларидан келаётган иммигрантлар сони муттасил ўсиб бормоқда. Масалан, 2010 йилда келган иммигрантларнинг 36 фоизини осиеликлар ташкил этди. Испан тилида сўзлашувчи иммигрантлар эса 31 фоиздан ошмади. Эътиборли жиҳати, лотинамерикаликлар асосан "қора иш" ва шунга ўхшаш ишларни бажаришса, Осиёдан келганларнинг аксарияти хизмат кўрсатиш ва бизнесда фаоллик кўрсатишмоқда.

Умуман, АҚШда осиелик олимлар, мутахассислар борган сари кўпайиб бормоқда. Буни АҚШ олий ўқув юртлари 45 фоиз фан ва муҳандислик даражаларини осиеликларга тақдим қилгани ҳам тасдиқлайди. Умуман, бу осиеликлар азалдан маънан етук бўлганини ҳам яққол далилдир. Фақат уларнинг ушбу иқтидорини рўёбга чиқарадиган шароит бўлса бас!



## Абдулла Қодирий Чикаго университетиди

**Чикагода таниқли ўзбекистонлик олим, "Ватандош" газетаси фаолларидан бири Олимжон ака Шарипов Чикаго университетиди ўзбек тилини ўрганаётган талабалар учун маъруза ўқиди. "Ватандош" газетаси маъруза ҳақида билиш учун Олим акага кўнғироқ қилиб, батафсил маълумот олди.**



- Ҳақиқатан ҳам, Чикаго университетиди ўзбек тилини ўрганаётган талабалар

учун маъруза ўқидим, - деди Олимжон ака Шарипов. - Маърузам "Советлар

даврида ўзбек адабиёти" деб номланган. Тадбир ушбу йўналишда узоқ йиллардан бери дарс бериб келаётган Хелда Анетшофер-Каратеке ташаббуси билан ташкил этилди. Учрашув жуда қизиқ бўлди. Аввало, талабалар Ўзбекистон ва ўзбек маданиятига жуда қизиқишар экан. Қолаверса, улар Шарқ адабиёти ва бошқа туркий тиллардан яхшигина хабардор экан. Мен уларга Ҳамзаю Абдулла Қодирийдан Абдулла Орипову Тоҳир Маликкача сўзлаб бердим. Уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердим, ўзбек адабиётининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапириб бердим. Уларни кўпроқ сўфийлик, жадидчилик, шеърят, Чикагода ўзбеклар ҳаёти қизиқтирганлини айтиш жоиз.

## Вашингтонда ватандошлар сайли



**Бир пиёла чой остида гурунг қилишнинг ўз гашти, ўз таровати бор. Айниқса, бу гурунг Ватандан йироқда ватандошлар даврасида бўлса, ўз мазмун-моҳияти, ўз жозибаси билан ўзгача руҳда ўтади. Негаки, бундай чин дилдан суҳбат қуриш узоқ юртда, мусофир юрганларни бир-бирига яқинлаштиради, янада жипслаштиради.**

Вашингтонда ташкил этилган ўзбекистонликлар сайли ҳам ана шу эзгу ниятларга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Чунки ушбу тадбирда АҚШнинг турли штатларидан, чунончи, Виржиния, Жоржия, Иллинойс, Сиэтл, Теннесси, Мериленд, Бостон, Нью-Йорк, Нью-Жерси штатларидан, шунингдек, Вашингтон округидан 250 нафардан ортиқ ҳамюртларимиз ўз оиласи, фарзандлари билан ҳозир бўлдилар.

Яшил табиат қўйнида уюштирилган ушбу сайил(пикник)да тайёрлан-

ган турли таомлар, айниқса, Узгандан келтирилган девзира гурунда дамланган паловхонтўра шу даражада мазали бўлибдики, пикник давомида яна бир марта ош дамлашга тўғри келди. Шашлик тайёрланди, барча меҳмонларга улашилди.

Умуман, ҳар бир иштирокчи бундай тез-тез ўтказиб туриш кераклигини, ўзаро фикр алмашиш, миллий таомлар тайёрлаш ва бошқа эзгу тадбирлар фақат ва фақат ватандошлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни, бирдамликни мустаҳкамлаши айтиб ўтилди.



## АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқаларга бағишланган янги китоб чоп этилди



**“Niso-Poligraf” нашриётида таниқли журналист Мавлон Шукурзоданинг “Америка — Ўзбекистон алоқаларининг хронологияси. 1992—2012” деб номланган янги китоби чоп этилди. АҚШ ва Ўзбекистон дипломатик алоқаларининг 20 йиллигига бағишланган мазкур ахборот-маълумот тўпламида икки томонлама алоқаларни ривожлантиришдаги энг муҳим факт ва рақамлар, воқеалар тизимлаштирилган, умумлаштирилган.**

Китобда икки томонлама алоқалар йўналишлар бўйича, яъни сиёсий, иқтисодий ҳамда гуманитар йўналишлар кесимида келтирилади. Айрим ижтимоий-сиёсий воқеалар аҳамиятидан келиб чиқиб, кенгайтирилган ҳолда очиб берилган.

Тўпламни тайёрлашда Ўзбекистон ва АҚШ расмий шахсларининг нуклари, миллий ва халқаро монографиялар, Ўзбекистон ва АҚШ элчихоналари материаллари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, АҚШ давлат департаменти ва таҳлил марказлари маълумотлари, Ўзбекистон Ташқи ишлар, Ташқи иқтисодий фаолият, савдо ва инвестициялар вазирликлари, “Ўзбекистон маданияти ва санъати” жамғармаси, шунингдек, оммавий ахборот воситалари материалларидан фойдаланилган.



## Нью-Жерсида юрtdошлар гурунги

**Нью-Жерсида ўзбекистонликларнинг яна бир сайли бўлиб ўтди. АҚШнинг турли нуқталарида таҳсил олаётган, ишлаётган ҳамюртларимиз йиғилган мазкур пикникда эски қадрдонлар бир-бири билан дийдор кўришди, янги таниш, билиш орттиришди.**

Йигитлар яшил майдонда волейбол ўйнашди, болалар ўйин-кулгу қилишди, аёлларимиз эса бир-бир-



стурхон беаги бўлган бўлса, бошқа миллий таомлар ҳам меҳмонлар эътирофига сазовор бўлди.

Пикникда сўз олганлар

лар билан “дардлашиш”ди. Бундай пикникларнинг фойдали жиҳати шундаки, ҳамюртларимиз бир-бири мулоқот қилади, Ўзбекистонда, ўз вилоятида, она шаҳарларида юз бераётган воқеалар хусусида фикр алмашади.

Дастурхонга миллий таомлардан тортилди. Айниқса, паловхонтўра да-

бундай тадбирларнинг аҳамияти хусусида фикр юритиб, тез-тез учрашиб туриш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этишди.

Сайл давомида, шунингдек, тадбирни ташкиллаштиришга бош-қош бўлган, унда фаол иштирок этган бир қатор ҳамюртларимиз га эсдалик совғалари топширилди.





**DV 2013 Лотерея дастури аризачилари лотерея натижаларини электрон DV вебсайтида 2012 йил 1 майдан бошлаб 2013 йил 30 сентябргача текширишлари мумкин. Лотерея натижаларини текширишда аризачига DV лотереяга ариза топширган маҳал берилган тасдиқ хати керак бўлади. Ушбу хатдаги тасдиқ номерини веб-сайтга киритиб, лотереяда ютган ёки ютмаганлигини аниқлашингиз мумкин.**



насида муҳожирлик визаси учун ҳужжат топшириши мумкин. Фолиб виза олиш учун ҳужжатларни топширсангиз белгиланган миқдордаги божни тўлаши лозим бўлади.

АҚШ консуллик муассасасида виза учун ҳужжат топширган ҳар бир аризачи ва унга ҳамроҳ бўлган оила аъзолари DV амал қилиши учун ва муҳожирлик визаси божини тўлаши лозим бўлади. Иккала бож ҳам, агар виза бериш рад етилса, қайтариб берилмайди. Виза берилса, виза қўйилганлиги учун алоҳида бож ҳар бир виза учун олинади.

Виза олиш учун ариза фолиб туғилган давлатдаги ёки охириги яшаётган хорижий мамлакатдаги АҚШ элчихонаси ёки консуллик муассасасида топширилиши керак. Хорижий давлатда виза учун ҳужжат топшираётган фолиблар Кентуки Консуллик Марказидан белгиланган виза учрашувидан 4 дан 6 ҳафтагача олдин бўлган муддатда учрашув белгиланганлиги ҳақида хат олади.

Хорижда туриб визага ҳужжат топшириш жараёни АҚШда туриб муҳожирлик мақомини ўзгартириш жараёнига қараганда қисқа вақт олади.

АҚШ ҳукумати DV лотереяси фолибларига молиявий ёки бошқа бирор кўринишдаги, масалан, сафар харажатлари, иш топиш, соғлиқни сақлаш, уй-жой топиш ва уларга тўлаш бўйича ҳеч қандай ёрдам бермайди. Муҳожирлик визасини олиш пайтида, ҳар бир фолиб АҚШда ишлаб, яшаб кета олишга қодирлигини ва АҚШ давлати ёрдамига таянмаслигини исботлаши лозим бўлади. Бунинг учун шахсий ҳисобингизда қанча миқдорда пул ва бошқа мулкнинг мавжудлигини кўрсатишингиз, АҚШдаги қариндош ёки танишларингизнинг сизга юборган иш таклиф хатларини кўрсатишингиз лозим бўлади.

**Дилором АБДУЛЛАЕВА тайёрлади.**

## «Грин Карта» фолиблари учун фойдали маълумотлар

Эслатиб ўтамиз, DV лотерея дастурига қабул 2011 йил 4 октябрдан 2011 йилнинг 5 ноябрга қадар давом этган эди.

Аризачи Мақомини Текшириш (Entrant Status Check) лотереяда ютган ёки ютмаганлигини билишнинг ягона йўли. Лотерея ютган ва ютмаган барча аризачилар Аризачи Мақомини Текшириш йўли орқали ўз лотерея натижаси ҳақида хабардор бўлиши мумкин. Бунинг учун сиз [www.dvlottery.state.gov](http://www.dvlottery.state.gov) веб-сайтига ташриф буюриб, тасдиқ хатида сизга берилган тасдиқ номерини веб-сайтга киритишингиз лозим бўлади.

Агар лотерея фолибларидан бири бўлсангиз, веб-сайт сизга ушбу босқичдан кейин нима қилиш кераклиги ҳақида маълумотларни тақдим этади. Кентуки Консуллик Маркази фолибларга лотерея натижаларини почта ёки электрон почта орқали юбормайди.

Агар тасдиқ хатини йўқотган бўлсангиз, лотерея натижаси ҳақида маълумот олишингиз бошқа иложи йўқ. Кентуки Консуллик Маркази аризачиларга тасдиқ хати-

ни қайта юбормайди. Гунинг учун ҳам тасдиқ хатини ишонарли жойда сақлаб қўйиш ўта муҳим ҳисобланади.

**DV Дастурида қанча киши фолиб бўлиши мумкин?**

DV 2013 Дастури учун 50 минг виза ажратилган. DV лотерея дастурида фолиб деб топилганлиги билан, 50 мингта ваъда қилинган визалардан бирини олиш сизга насиб қилмаслиги мумкин.

Лотерея натижалари эълон қилинган, ҳар ой виза олиш учун ҳужжатлари тайёр аризачиларга виза берилди. 50 минг виза фолибларга бериб бўлинган, дастур ўз ишини якунлайди. 2013 йил 30 сентябргача визалар тугаб кетиши мумкин. DV лотереяда фолиблик сизга виза олишни кафолатламайди, бу шунчаки виза олиш учун мақомингиз яроқли эканлигини билдиради. Баъзи бир сабабларга кўра, ҳужжатларингизни ўз вақтида ёки тезроқ тайёрлаб улгурмасангиз, ваъда қилинган 50 минг виза тугаб кетиши ва натижада сиз лотерея фолиб бўлсангиз ҳам, виза ололмаглигингиз мумкин. Шунинг учун ҳам лоте-

реяда фолиб деб топилганларга виза ҳужжатларини дарҳол тайёрлашлари тавсия қилинади.

**Лотерея натижаларидан сўнг, виза олиш учун қанча вақт кетади?**

DV 2013 лотерея фолиблари фақатгина 2012 йил 1 октябрдан 2013 йил 30 сентябргача бўлган муддат ораллигида виза олиш учун ҳужжат топширишлари мумкин. Виза олишни белгиланган муддатдан кейинга суришга рухсат берилмайди. 2013 йил 30 сентябргача виза олиб улгурмаган фолиблар кейинги йил виза олиш имкониятидан маҳрум бўлади. Шунингдек, аризачига ҳамроҳ бўлган аризачининг эри/хотини ва фарзандлари ҳам юқорида кўрсатилган муддат ичида виза олиб улгуриши шарт.

**Лотерея натижаларидан сўнг фолиб аризачи уйланса нима бўлади?**

DV лотереясини ютгандан сўнг аризадаги мақомлардан бирортаси, масалан, яшаш жойи ўзгарса, турмуш курси/уйланса, фарзандли бўлса, фолиб Кентуки Консуллик Марказини бу ҳақда хабардор қилиши лозим. Бундан ташқари, фолиб

эри/хотини ёки янги туғилган фарзанди учун иммиграция божини тўлаши керак. Аризага қўшилган янги аъзо ҳам DS 230 формасини тўлдириши лозим.

Турли хил қаллобликларнинг олдини олиш учун АҚШ ҳукумати лотерея натижасидан сўнг уйланган/турмуш қурган фолибларни жиддий текширувдан ўтказилади.

**Лотерея фолиби АҚШда бўлса, муҳожирлик мақомини АҚШдан туриб ўзгартириши мумкинми?**

АҚШда бўлган лотерея фолиблари АҚШ Фуқаролик ва Иммиграция Хизматида ариза топшириб, АҚШда доимий яшовчи мақомини олиши мумкин. Ариза бир мунча узоқ вақтга чўзилиши мумкин. Бу муддат давомида аризачига ва унга аризада ҳамроҳ бўлганларга (эри/хотини, рафиқаси) ишлаш учун рухсат берилди ва саёҳат ҳужжатларига эга бўлиши мумкин.

**Лотерея натижалари чиққан пайтда фолиб хорижий давлатда бўлса, визага қандай ҳужжат топшириши керак?**

Хорижда бўлган фолиб АҚШнинг хориждаги консуллик бўлими ёки элчихо-

### Твиттер илк ўзбекистонлик аккаунтини ҳақиқий деб тан олди

Ўзбекистонлик хонанда Googooshнинг Твиттердаги расмий саҳифаси @RealGoogoosha текширилган аккаунтлар саҳифага киритилди. Бу ҳақда кун.ўз сайти хабар қилди. Унинг ёзишича, @RealGoogoosha аккаунти "verified account" юлдузчасини олган Твиттернинг илк ўзбекистонлик фойдаланувчисига айланди. Твиттер микроблоглар хизмати машҳур шахсларнинг ҳақиқий аккаунтларини топишни осонлаштириш ва одамлар орасида тушунмовчиликлар юзга келмаслиги учун "Ҳақиқий аккаунт" ("verified account") дастурини ишга туширган бўлиб, ҳозирги вақтда у кенг жамоатчилик учун мўлжалланмаган. Барча "ҳақиқий аккаунтлар" Твиттернинг махсус @verified аккаунти томонидан "ўқиб" ("follow") қилиб борилади.

### Ўзбекистонда пиво алкоголь ичимликлар тоифасига киритилди

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 майдаги қарорига мувофиқ, пиво (алкоголсиз туридан ташқари) алкогольли маҳсулот деб тан олинди. Пивони сотиш (алкоголсиз туридан ташқари) алкогольли маҳсулотларнинг чакана савдосини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома мавжуд бўлганида, юридик шахсларга рухсат этилади. Бундан олдин пиво алкоголь миқдори паст бўлган ичимлик ҳисобланарди ва уни сотишга алкогольли ичимликларнинг чакана савдосини тартибга солувчи талаблар тааллуқли эмасди. Савдо корхоналарининг мактаб, мактабгача таълим ва диний муассасалардан камида 500 метр масофада жойлашиши талаби бундан мустасно. Тамаки ва алкогольли маҳсулотларни сотиш мумкин бўлган харидорларнинг ёши 18 дан 20 ёшгача кўтарилди. Алкоголли маҳсулот чакана тарзда сотилганида, стационар нуқтада тўловларни банк пластик карталаридан амалга ошириш учун ҳисоб-китоб терминали бўлиши шарт. Яна бир ўзгаришлардан бири шуки, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини савдо автоматлари орқали сотиш, доналаб, қутисиз (тамаки маҳсулотлари учун) сотиш тақиқланган.

**Ҳар куни такрорланиб турадиган хатти-ҳаракатлар вақти келиб, одатий ҳолатга айланиб қолади. Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни шудай баҳолаш мумкин. Ироқда кун ора бўлиб турадиган портлашлар, Мисрда кўча тўла намойишлар, Ливияда урушдан кейинги нотинчликлар, Сурия инқирози - ҳар куни оммавий ахборот воситаларининг кундалик мавзуларидан бири бўлса-да, одамларнинг диққат-эътиборини у даражада тортмай қолди. Хўш, бу тартибсизликлардан ким фойда кўради? Фарб нимага эришдию, кўчага чиққан халқ нимага эришди?**



## Охирига етмаган инқилоб ёки миллат фожеаси

Ана шундай ҳолатлардан бири - Мисрдаги сиёсий инқироздир. Гап шундаки, ўтган йили Мисрда бошланган намойишлар, ала-оқибат, Хусни Муборакнинг ҳокимиятни тарк этиши ҳамда суд томонидан умрбод қамок жазосига тортилиши билан яқунланди. Ушбу инқилоб ташқи кучлар томонидан "демократия уруғи" сочиш мақсадида ташкил этилгани, халқаро гуманитар ташкилотлар,

донорлар ҳамда бошқа воситалар орқали молиялаштирилиб, мувофиқлаштирилиб борилгани бугун исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатга айланиб улгурди.

Аммо Миср инқилоби ўз тузилиши ва моҳиятига кўра ўта жиддий ва мураккаб бўлиб, Фарб давлатларини оғир аҳволга солиб қўйди. Биринчидан, инқилоб туфайли амалга оширилган бир қатор чора-тадбирлар, ху-

сусан, сайловлар Фарб давлатлари ўз олдига қўйган мақсадни бутунлай йўққа чиқариши мумкин. Миср парламентида бўлиб ўтган уч босқичли сайловларда радикал қарашдаги "Мусулмон биродарлари"нинг сиёсий институти - Озодлик ва адолат партияси 40 фоиз, яна бир диний партия - "Ал-Нур" 20 фоиз атрофида овоз олиб, мамлакат тақдирини дин билан боғлиқ бўлишига олиб келди. Дунёвий давлат тарафдори бўлган "Миср блоки" эса борйўғи 17 фоиз йиға олгани ҳам ислом динини асосий рақиби сифатида кўрадиган Фарб давлатларини ташвишлантириб қўйди.

Миср конституциявий суди эса мазкур парламент сайловлари натижаларининг учдан бир қисмини ҳақиқий эмас ва янги парламент таркибини ноқонуний, деб топди. Конституциявий судга кўра, сайловларни бир

мандатли округларда ўтказиш амалдаги конституцияга зиддир. Суд қарорига биноан, парламент ҳокимиятни йўқотди. Шунинг учун вақтинча қонун ижодкорлиги ҳуқуқи Миср Олий ҳарбий кенгашига ўтказилди. Ушбу орган таъсири ҳақида кўпчилик Фарб давлатлари, хусусан, АҚШ билса-да, сукут сақлашга, масала юзасидан умумийроқ баёнот бериш билан кенг афкор оммани чалғитишга уринди.

Қолаверса, янги тартиб-таомиллар асосида ўтказилган президентлик сайлови яқунлари ҳам ташвишлантириди. Ушбу сайловда "Мусулмон биродарлари" вакили Муҳаммад Мурсий қарийб 52 фоиз овоз тўплаган. Буларнинг барчасига Фарб давлатлари катта ҳавотир билан қараб турибди. Чунки улар ўзлари бошлаган инқилобни охиригача етказай деса, радикал кайфиятдаги кучларнинг

ҳокимиятга келиш эҳтимоли ошиб бормоқда.

Шу боис ҳам "ташқи кучлар" охирига нажот сифатида Миср олий ҳарбий кенгашига қарашмоқда. Зотан, ушбу орган орқали вазиятни тўлиқ назоратга олиш, Мисрни Яқин Шарқдаги энг яқин ва барқарор ҳамкор сифатида ушлаб туриш мумкин. Буни АҚШ ташқи ишлар маҳкамаси томонидан, бир гуруҳ конгрессменлар қаршилигига қарамасдан, Мисрга тақдим этилаётган молиявий ёрдамнинг қайта тиклангани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Умуман айтганда, Мисрда борган сари сиёсий инқироз чуқурлашиб, Фарб давлатлари вазият тизгинини қўлдан бой беришмоқда. Мамлакатда қонунсизликнинг ҳукм сураётгани вазиятни тобора издан чиқармоқда. Миср иқтисодиёти қарийб издан чиқиб, аҳолининг турмуш даражаси янада ёмонлашиб бормоқда. Бу мисрликлар инқилобдан олган натижа аслида. Лекин кўчага чиқишни одат қилиб олган халқни тинч ва демократик йўлга қайтариш, давлатни дунёвий йўлдан ривожлантириш умидлари сўниб бораётгани энг ачинарлидир.

Албатта, Мисрда ҳокимият кимнинг қўлида жамланишидан қатъи назар Фарб мамлакатлари у билан мулоқот қилишнинг ўзи учун мақбул вариантларини ўрната олади. Аммо Миср халқи Хусни Муборак давридаги тинчлик, яшаш оғир бўлса-да, осойишталикни қайтара олиши даргумон. Бу миллат ва мамлакат учун йирик фожеадир.



## Айғоқчилар қисқартирилади

**АҚШ марказий разведка бошқармаси ўзининг Ироқдаги ходимлари сонини кескин қисқартирмоқчи. "The Wall Street Journal" газетасининг ёзишича, ушбу мақсадда махсус концепция ишлаб чиқилган.**

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, АҚШда АҚШ айғоқчилари сони 60 фоизга қисқартирилади. Маълумотларга қараганда, уруш йилларида Ироқда 700 атрофида айғоқчилар фаолият юритган. Бунақа кўп миқдорда айғоқчилар дунёнинг бирор бошқа мамлакатига жалб этилмаган. Сўнгги тахминларга қараганда,

Ироқдан чақириб олинган хавфсизлик хизмати ходимлари дунёнинг бошқа минтақаларида иш олиб боришга йўналтирилади. Хусусан, уларнинг бир қисми сўнгги йилларда террор ҳужумлари анча фаоллашиб қолган Яманга юборилди. Бундай давлатлар қаторида, шунингдек, Мали ҳам бор.

**Роғун ГЭСи қурилиши оқибатида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги йилига 600 миллион доллар зарар кўриши мумкин, деб ёзади СА-News. Натижада ялпи ички маҳсулот ҳажми 2 фоизга қисқаради, 300 минг нафардан ортиқ киши ишсиз қолади.**

## Роғун ГЭСи Ўзбекистонда 300 минг кишини ишсиз қолдиради

Бундай хулосага АҚШ тадқиқотчилар гуруҳи келган. Тадқиқотчилар Роғун ГЭСи қурилиши ва сув билан тўлдирилиши иккита оқибатга олиб келишини қайд этишмоқда. Унга кўра, Роғун ГЭСини тўлдириш учун 12,4 йил талаб қилади. Бу давр оралигида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги жиддий йўқотишга учрамайди. Аммо Роғун ГЭСи тўлгач ва тўлиқ ҳажмда иш бошлагач,

асосий таъсирларни сезиш мумкин. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон ҳукумати анча йиллардан бери Роғун ГЭСи биринчи ўринда сейсмик хавфли ҳудудда жойлашганини қайд этиб, унинг қурилиши минтақадаги миллионлаб инсонлар ҳаётига таҳдид солишини уқтириб, халқаро экспертиза ўтказишни талаб қилиб келмоқда.

## Обама тушунтириш хати ёзди

**АҚШ президенти Барак Обама 11 яшар Тайлер Салливан дарсни қолдиргани учун тушунтириш хати ёзиб берди.**

Гап шундаки, ушбу мактаб ўқувчиси Миннесота штатида Барак Обаманинг нутқини эшитиш мақсадида дарсни қолдиришга мажбур бўлган. Буни англаб етган Барак Обама боланинг ўқитувчисига "Жаноб Акерман, илтимос, Тайлерни кечиринг. У мен билан эди. Барак Обама", деб қайднома ёзиб берди. Шунини қайд этиш керакки, Обама боланинг отаси меҳнат қиладиган Honeywell заводида нутқ сўзлаган эди.

# Лондон олимпиадаси: «ПУЛ КЕТСА КЕТСИН, ОБРЎ КЕТМАСИН»

**Ҳадемай Лондонда XXX Олимпия ўйинларига старт берилади. Ўз моҳияти ва гоёсига кўра, тинчлик ва бағрикенгликни тарғиб қиладиган мазкур спорт анжуманини ўтказиш ҳар бир давлат учун ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Шу боис ҳам ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган мазкур тадбирга давлат бюджетидан катта миқдорда маблағлар йўналтирилади.**



Эътиборли жиҳати шундаки, олимпиада ўйинларини ўтказиш учун сарф-харажатлар кўп ҳолатларда мўлжалдагидан ортиб кетади. Бу мусобақа тадбирларининг бошланғич лойиҳасини молиялаштириш бўйича ҳисоб-китобларнинг кескин ўзгариши билан ҳам боғлиқ. Said Business School эксперт-

ларининг ҳисоб-китоб қилишича, Лондон олимпиадасининг харажатлари ҳам бошланғич қийматидан икка баробар ошиб кетган. Бу Атлантадаги олимпия ўйинларидан кейинги харажатлар ошиб кетган мусобақадир. Чунки 1996 йилда Атланта олимпиадаси ташкилотчилари мусобақа бюджети

миқдорини 147 бараварга оширишга мажбур бўлишган эди.

Bloomberg ахборот агентлигининг ёзишича, Лондон олимпиадаси ташкилотчилари мазкур спорт анжуманига тайёргарлик жараёнида инвесторларнинг иштирокига ниҳоятда катта ишонч билан қарашгани, қолаверса, хавфсизлик талабларини кучайтириш чораларини кўзда тутмаганлиги харажатларнинг ортиб кетишига сабаб бўлган.

Мазкур нуфузли турнирни ўтказишга, Said Business School экспертларига кўра, 13,1 миллиард (8,4 миллиард фунт стерлинг) доллар сарфланади. Ваҳоланки, Лондон 2005 йилда Халқаро олимпия қўмитасига ариза топширганда, мусобақага тайёргарлик ва уни ўтка-

зишга 4,2 миллиард фунт харажат кетишини таъкидлаган эди.

Said Business School таҳлилчиларига қараганда, олимпиада ўйинларида харажатлар мунтазам ошиб келган. Масалан, сўнгги 17 та ёзги олимпия ўйинларининг харажатлари 179 фоизга кўпайган. Уларнинг фикрича, харажатларнинг кўпайиб кетиши одатий жараён. Чунки аксарият давлатлар олимпиадани ўтказиш ҳуқуқини олиш мақсадида лойиҳанинг жозибдорлигини оширишга ҳаркат қилишади. Бунда харажатлар камайтирилиб, даромадлар ошиғи билан кўрсатилади. Олимпиада харажатлари энг кам ўзгарган шаҳарлардан бири - шубҳасиз, Пекин олимпиадасидир. Ўшанда тўртйилликнинг мазкур айёми харажатлари бор-йўғи 4 фоизга ошиб кетган.

Шунинг учун ҳам олимпиада ўйинлари жуда катта харажат қилинса-да, ташкилотчилар бундан олишмайди. Ҳатто мамлакат ушбу спорт анжуманидан яхшигина даромад ҳам кўролмади. Лекин "Пул кетса кетсин, обрў кетмасин" ҳикматида амал қилишиб, харажатларни кескин оширишга мажбур бўлишади.



**Покистон Афғонистондаги НАТО кучлари учун юклар транзитига рухсат берган. Бу ҳақда АҚШ давлат департаменти раҳбари Хиллари Клинтоннинг расмий баёнотида маълум қилинади. Унга кўра, АҚШ давлат котиби Покистон ташқи ишлар вазири Хина Раббоний Хар билан телефон орқали мулоқотида ўтган йили ноябрь ойида НАТО ҳаво ҳужумлари оқибатида ҳалок бўлган 24 нафар покистонлик аскар учун расман кечирим сўраган.**

"Мен ҳалок бўлган покистонлик аскарлар оиласига ўз таъзиямини билдирдим. Биз Покистон қуролли кучлари қурбонлари учун афсус чекамиз", дейилади Хиллари Клинтоннинг расмий баёнотида.

## АҚШ кечирим сўради



Экспертлар ҳисоб-китобича, бу Шимолий таъминот тармоғи орқали НАТО юкларини транзит қиладиган давлатларга анчагина жиддий моддий зарар келтиради. Гап шундаки, Покистон орқали юкларнинг етказиб берилиши НАТО кучларига ойига 8 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағни тежаб қолиш имконини беради. Қолаверса, НАТО кучлари томонидан покистонлик аскарларнинг ўққа тутилиши оқибатида транзит йўлларининг

ёпилиши уларга ойига 38 миллион долларга айланган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳозирга қадар Афғонистонга ер орқали етказиб берилмаётган юкларнинг 75 фоизи Шимолий таъминот тармоғи орқали ўтмоқда. Шимолий таъминот тармоғидан жами юкларнинг 40 фоизи, ҳаводан 31 фоизи, Покистондан 29 фоизи етказиб берилмоқда.

Узоқ муддат давомида Покистон ўз ҳудудидан транзит сифатида фойдаланишга рухсат бермасдан келаётган эди. Бу борадаги музокаралар ҳам боши берк кўчага кириб қолаётган эди. Бунда расмий Исломобод АҚШдан ҳалок бўлган аскарлар учун расман кечирим сўраш ва товон пули тўлашни талаб қиладиган эди.

Шу йилнинг май ойида

**Ўзбекистонда янги тугилган гўдакларни сотиш билан шугулланган шахслар ҳибсга олинган. Чунончи, Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи сўзларига қараганда, Қўшқўпир тумани тиббиёт бирлашмасининг уч ходими чақалоқлар савдоси билан шугулланликда айбланмоқда.**

## Гўдакфурушлар суд қилинди

Бундан ташқари, Ҳазорасп тумани туғуруқхонаси акушер-гинекологи ва врач-ординатори ҳам бундай қилмишга аралашиб қолган. Худди шундай қингир ишлар билан Тошкентдаги 3-сонли туғуруқхонаси ҳамшираси ва ҳуқуқшуноси шугулланганлигини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг "Ҳуқуқ" газетаси хабар берган. Эслатиб ўтамиз, ўтган йили март ойида ҳам худди шундай жиноят билан шугулланган бир гуруҳ шахслар устидан суд иши бўлиб ўтган эди. Ўшанда 12 дан киши суд қарори билан турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган эди. Бу гуруҳ ишида бир қатор туғуруқхона ходимлари ҳам фаол иштирок этгани аниқланган. 70 дан ортик ҳолатда гўдакларни расмийлаштириш талаблари бузилган. Тўрт нафар чақалоқни чет элга олиб чиқиб кетишган. Жиноятчилар ушбу хизматлари учун 2,5 — 3 минг долларгача ҳақ олган, деб ёзади 12news.uz сайти.

рикаликлар транзит учун пул тўлашга тайёр, аммо бунинг учун нархлар адолатли бўлмоғи лозим", деди мудоффа вазири. Эслатиб ўтамиз, 2011 йилнинг ноябрда ойида АҚШ ҳарбий уюмлари томонидан покистонлик ҳарбийлар ўлдирилгач, Исломобод транзит йўлини ёпиб қўйган эди. Уша воқеага қадар ҳар бир юк машинаси учун Америка 250 доллар тўлар эди.

**KHAMMANS GROUP**  
CARGO SERVICE COMPANY IN USA

**UZBEKISTAN airways**

**Доставка товаров в Узбекистан**  
Надежность, Оперативность и высокое Качество обслуживания

**Parcels and Documents Delivery to Uzbekistan**  
Reliable, efficient and high quality services

**USA**  
3075 Brighton 14 street, apt.34b  
Brooklyn, New York.  
11235-5561  
Tel.: +14077220408  
www.khammansgroup.com  
e-mail: info@khammansgroup.com

# Оқ уйнинг иммиграция ташаббуслари: чин ўзгариш ёки қуруқ сафсата?

**АҚШ фуқароларининг ҳам, ушбу мамлакатда яшайдиган чет элликлар учун муҳим бўлган масалалардан бири, шубҳасиз, иммиграция қонунчилигидаги ўзгаришлардан ҳисобланади. Шу боис ушбу масалага оид янгиликлар катта қизиқиш ва муҳофиза билан кутиб олинади.**


Яқинда Оқ уй томонидан илгари сурилган янги бир тартиботлар ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу ташаббусга кўра, Обама маъмурияти шаҳарлар ва штатлар полициячиларининг ноқонуний иммигрантларни аниқлашда федерал тузилмаларга кўмак беришини кўзда тутадиган Secure Communities дасту-

иммигрантлар маҳаллий полиция томонидан тухталгач, уларни қўлга олиш ва айбдор деб топилгач, депортация қилиш жараёнларини амалга ошириш ташаббусини ўз қўлига олмақда. Бу иш билан илгари маҳаллий полиция вакиллари шугулланишарди. Назарий жиҳатдан, бу одатда депортацияларга сабаб

ларни бартаф этмайди ёки шундоқ ҳам ёмонлиқ бўлган дастур фаолиятини яхшиламайди.

Шу боис Обама маъмуриятининг ушбу ташаббуси полиция департаментлари ва ноқонуний иммигрантлар ҳуқуқлари ҳимоячилари томонидан жиддий танқид қилинмоқда. Чунки Secure Communities дастури имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида ҳукумат умуман жиноят содир этмаган ва ҳалол ноқонуний иммигрантларни қўлга олишда давом этмоқда. Айнан шу дастур доирасида бир йилда 400 мингдан ортиқ киши депортация қилинган. Ваҳоланки, уларнинг аксарияти ҳеч қанақа жиноят қилмаган, балки узоғи билан маъмурий қоидабузарлик содир этишган.

Ўтган йили Иммиграция ва божхона идораси (Immigration and Customs Enforcement) ўз ҳудудий бўлинмаларига жўнатган йўриқномасида ходимлардан иммигрантларни ҳибсга олишда танлов асосида ёндашишни кўрсатма беради. Яъни жамоат ва



давлат хавфсизлигига ҳеч қанақа хавф туғдирмайдиганларга нисбатан иш очмасликка чакиради. Ноябрьда эса президент маъмурияти 300 мингдан ортиқ депортация билан боғлиқ ишларни қайта кўриб чиқишни эълон қилади. Аммо ушбу саъй-ҳаракатлар мамлакат иммиграция тизимида жиддий ўзгаришларга олиб келмади. Хусусан, судлар ҳали ҳам депортацияга оид ишлар билан лиқ тўла. Чунки Иммиграция ва божхона идораси апрель ҳолатига 228 мингдан ортиқ депортация бўйича суд ишларидан бор-йўғи 3 мингга яқин ишни қайтариб олганиёқ ҳеч қанақа ижобий ўзгаришлар бўлмаганидан дарак беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳукуматнинг бундай саъй-ҳаракатлари кўп нарсани шубҳа остига қўяди. Нафақат ноқонуний иммигрантларни танлов асосида қўлга олиш, балки Secure Communities тақдири ҳам катта ислоҳга муҳтож. Чунки ушбу дастур бўйича асосий ишни маҳаллий полиция вакил-

лари амалга оширади. Етарлича иш кўникмаси ва тажрибасига эга бўлмаган полициячилар фаолиятини мунтазам назорат қилиб боришнинг имконияти жуда чекланган. Бу эса улар томонидан амалдаги қонунларни бузиш, ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, асосиз тинтув ўтказиш ва ҳибсга олишга туртки беради. Боз устига, иммиграция хизмати ўзининг бир қисм ваколатларини патруль хизматларига беришини маълум қилган бўлса-да, ҳалигача йўлда кимни ва нима учун тўхта-тиш ҳамда уларни текшириш бўйича аниқ йўриқнома ишлаб чиқилмаган.

Аммо таҳлилчиларнинг фикрича, Secure Communities дастури фаолиятининг самарасизлиги иммигрантларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига нисбатан ишончнинг сусайишига, ўз навбатида, уларнинг давлат идораларига кўмак беришига тўсқинлик қилади. Оқибатида, мамлакатда жинорий вазиятнинг янада ёмонлашуви олиб келади.



рини такомиллаштиришни маълум қилди.

Гап шундаки, Иммиграция ва божхона идораси (Immigration and Customs Enforcement) йўл қоидасини бузган ноқонуний

бўладиган ҳибсга олишлар сонини қисқартиради. Аммо экспертлар ҳаётда бундай бўлишига ишонимасми. Қолаверса, мазкур "такомиллаштириш" амалдаги камчилик-

## Тошкент шаҳрида кўчмас мулкларнинг нархида барқарор ўсиш кузатилмоқда

**Тошкент шаҳрида уй-жойлар нархида ўсиш кўрсаткичлари барқарор давом этмоқда. Чунончи, шу йилнинг июнь ойида шаҳардаги уй-жойларнинг ҳар бир метр квадрати ўртача 549 долларга баҳоланган\*.**

«Sion Research» тадқиқот маркази таҳлилларига кўра, бу май ойига нисбатан олиб қараганда 0,2 фоизга қимматлашганидан далолатдир. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳозирги нарх 2011 йилнинг май ойидагига нисбатан 15,8 фоиз кўпдир. Эътиборли жиҳати, ўсиш суръати юқори нархдаги уй-жойларда ҳам, эконоом класс уй-жойларида ҳам кузатилди. Уй-жойлар савдосининг 66 фоизи икки ва уч хонали квартиралар хонадонлар олдибердисига тўғри келди. Кейинги ўринларда бир ва тўрт хонали квартиралар 18,2 фоиз ҳамда 13,3 фоиз билан ўрин олган.



Одамларда кўпхонали уйларни олишга бўлган қизиқиш у даражада юқори бўлмаган.

*\*Изоҳ: икки хонали уй, масалан, 50 квадрат метр бўлса, унинг нархи 27450 доллар бўлади.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида имзоланган АҚШнинг Афғонистон хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда иштирок этиши муносабати билан юқлари ва персоналларини Ўзбекистон ҳудуди орқали ҳаво транзити тўғрисидаги шартномани ратификация қилишни кўзда тутувчи қонунни қабул қилган.**

## Парламент шартномани ратификация қилди

Ушбу келишув икки давлат ўртасида шу йилнинг 28 март куни имзоланган бўлиб, АҚШ ҳарбий юқлари ва аскарларини олиб чиқиш бўйича ҳамкорлик қилишни кўзда тутди. Қонунчилик палатаси қабул қилинган қонун Сенатга юборилади ва парламент юқори палатаси маъқуллагач, президент имзолайди ҳамда кучга қиради.

# Америка миясиз қолмоқда

**АҚШда президент сайловига кам муддат қолган сари номзодлар ўртасидаги баҳслар тобора қизгин тус ола бошлайди. Улардан бири, шак-шубҳасиз, иммиграция масаласидир. Машхур журналист-эксперт, "CNN" телеканали, "Time" журнали, "The Washington Post" газетасида ўз блогига эга Фарид Закария ҳам яқинда АҚШдаги иммиграция масалаларини чуқур таҳлил этади.**



нинг қарийб барчаси хорижлик мутахассислардир. Эътиборли жиҳати, уларнинг аксарияти АҚШда олий маълумотга эга бўлган эсада, виза олишдаги тўсиқлар боис Канадага кетишга мажбур бўлган.

Канадаги иммигрантларнинг 62 фоизи айнан юқори малакага эга бўлгани учун ҳам мамлакатда ишлаш ҳуқуқини олган. Қолган қисми эса айнан оилавий муносабатлар, яъни қариндошлик туфайли виза олишга муваффақ бўлган. АҚШда эса аксинча. Иммигрантларнинг учдан икки қисми қариндошлик туфайли виза олишга муваффақ бўлган бўлса, 13 фоизи ўз иқтидорли, малакаси ва тажрибасига кўра грин-карта олган.

"Ёки Америка компанияларига иқтидорли ишчилар керак эмасми?", дея савол беради Фарид Закария. "Афсуски, 3,7 миллиондан ортиқ иш жойларини очган Америка компаниялари малакали кадр тополмай ҳалак. Уларнинг аксарияти илм-

фан билан боғлиқ соҳалардир. Ушбу йўналишда илмий иш қилган хорижларнинг қарийб ярми "ҳимоя"дан кейин ўз ватанига қайтишга мажбур бўлишмоқда", дея ўзи жавоб беради эксперт.

Нью-Йорк шаҳар мэри Майкл Блумбергнинг айтишича, Америка иммиграция сиёсати мамлакат иқтисодиёти дуч келган энг жиддий муаммолардан бири бўлиб, бундай ёндашувни "миллий худҳушлик" деб атайди.

Фарид Закариянинг ёзишича, бугунги кунда нафақат Канада, балки Австралия, Буюк Британия, Сингапур, Хитой ва Ҳиндистон ҳам "мия иммиграцияси"ни қўллаб-қувватлаш ва уларга шароит яратиш бўйича АҚШга дарс бериши мумкин. Афсуски, иммиграция сиёсати партиялар ўртасида (демократлар ва республикачилар) муҳокама қилинаётганда иқтидорли ва малакали кадрларни жалб қилиш ҳамда уларга виза олишда ёрдам

бериш масаласи эмас, балки иммигрантларни депортация қилиш, чегараларга тўсиқ ўрнатишдек мантиқсиз гоғлар устуворлик қилмоқда.

Фарид Закария истиқболдаги вазифалар ҳақида гапирар экан, мамлакатда анчадан бери ишлаётган иммигрантларга АҚШда қолиш, шунингдек, жиноят содир этган ноқонуний иммигрантларни депортация қилишни кўзда тутадиган қонун қабул қилиш керак, деб айтади. АҚШ қариндошлик бўйича иммигрантлар сонини кескин қисқартириши ва ўз навбатида, иқтидорли ва малакали иммигрантларни кўпайтириши керак, дея қайд этади муаллиф.

"АҚШ дунё учун ягона модель. У умумий миллат яратилган глобал жойдир. Биз иммиграцияни бошқалардан кўра яхшироқ қилолмаслигимиз мумкин, лекин ундан яхшироқ фойдаланишимиз мумкин", дея хулоса қилади Фарид Закария.

АҚШ иммиграция сиёсатини таҳлил қилар экан муаллиф бошқа ривожланган мамлакатларда иммиграция масаласига жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтади. Хусусан, Канаданинг бу борадаги ишларини алоҳида эътироф қилади. "Канада иммиграция сиёсати ҳозирги кунда мамлакат эътиёжларига жавоб берадиган иқтидорли кадрларга йўналтирилган.

Бундай иқтидор эгалари ишлаш учун рухсат берадиган визани олишга шахсан ўзлари ариза топшириши мумкин. Канада ҳукумати таълим, фан, техника ва иш тажрибасига эга кадрларга виза беришга алоҳида урғу бермоқда", деб ёзади эксперт.

Закария келтирган мисолларга қараганда, Ванкувердаги Майкрософт офисида ишлайдиган ходимлар-

**Обама бундан тўрт йил муқаддам ўз президентлик лавозимига киришиб, Американинг дунё миқёсидаги обрўсини янада кучайтиришга ваъда берган эди. Бу йўлда у, аввало, мусулмон дунёсида Америка имижини мутлақо яхшилашни ният қилиб, Қоҳира университетига маъруза қилди. Мазкур маъруза қарийб барча оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилиниб, Обама тимсолида янги АҚШни кўра бошлаган эди.**

## Обама қандай яхши бошлаган эди-я!

Хўш, орадан тўрт йил ўтиб, вазият қайси томонга ўзгарди? Яқинда "Pew" социал тадқиқотлар маркази томонидан ўтказилган сўровлар натижасини шуни кўрсатдики, вазият яхши тарафга ўзгаргани йўқ. Ушбу сўровда дунёнинг 21 мамлакатидан 26 минг киши иштирок этди.

Сўров натижаларига қараганда, АҚШнинг азалий ҳамкорлари бўлган Европа ва Японияда Буш даврида шаклланган одамлар му-

носабатида бироз ўзгариш кузатилади. Айни пайтда социал тадқиқот натижалари Обама олиб бораётган сиёсат унга салбий таъсир кўрсатаётганини ҳам аниқлади.

Биргина учувчисиз ҳарбий самолётларнинг ишлатилишини олиб қарайлик. 21 мамлакатдан 17 таси бундай ҳарбий техникаларнинг Покистон, Яман ва Сомалида террорчиларни йўқ қилишда фойдаланилишини маъқулламаслигини билдирган. Ваҳоланки, АҚШ аҳолисининг 62

фоизи бундай чорани қўллаб-қувватлайди.

"Президент Барак Обама олиб бораётган сиёсатнинг глобал қўллаб-қувватланиши сўнгги йилларда сезиларли даражада пасайди ва бу АҚШнинг имижига ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмади", деб ёзади тадқиқот маркази.

Шундай бўлса-да, Европа ва Японияда АҚШга ҳақида ижобий таас-



суротга эга ва бу кўрсаткич бирмунча ўсган. Масалан, 2008 йилда, яъни Буш даврида 32 фоиз немислар АҚШга хайрихоҳ бўлса, 2012 йилда бу 52 фоизи ташкил қилди. Японияда бу 50 фоиздан 72 фоизга кўтарилди.

Аммо мусулмон мамлакатларида бу кўрсаткич пасайишда давом этмоқда. Чунончи, 2008 йилда 19 фоиз по-

кистонликлар Америка ҳақида яхши фикрда бўлган бўлса, ҳозирда бу 12 фоизга тушиб қолди. Мисрда эса бу кўрсаткич 22 фоиздан 19 фоизга қадар пастлади. Бундай пасайишга АҚШнинг бошқа давлатлар манфаатлари билан ҳисоблашмаслиги сабаб бўлган. Шундай бўлса-да, Обаманинг қайта сайланишини Европа ва Латин Америкаси мамлакатлари маъқул, деб ҳисоблашмоқда. Дейлик, Францияда 92 фоиз респондентлар Обама иккинчи муддатга сайланиши керак, деб фикр билдирган. Бу Германияда 89 фоиз, Бразилияда 72 фоизни ташкил этган.

"Агар бу рақамлар АҚШда бўлганида Обаманинг "иши юз" бўларди", деб ҳазил қилади экспертлар. Лекин 76 фоиз мисрликлар, 73 фоиз иорданияликлар Обаманинг қайта сайланишига хоҳиш билдиришмаган.

Бундан кўриниб турибдики, Обама томонидан олиб борилган "икки томонлама стандартлар", қолаверса, берилган ваъдаларнинг амалда рўёбга чиқарилмаслиги АҚШнинг барибир "ғараз"ли мамлакат сифатида қолишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонлик рассом Леким Ибрагимовнинг “Минг бир кеча”дан илҳомланиб тайёрланган янги асари Олимпия сузиш ҳавзасидан катта бўлиб, уни амалга оширишга икки ярим йил вақт сарфланган. Рассомнинг “Минг малак ва битта сурат” композицияси 2010 йилда бошланиб, шу йилнинг апрель ойида якунланган.

## Ўзбекистонлик рассом Гиннеснинг рекордлар китобига кирмоқчи

Шуни қайд этиш керакки, ушбу асар Европа бўйлаб намойиш этила бошланди. Дастлаб Чехияда, сўнгра бошқа Европа мамлакатларида намойиш этилади. Эни 8 метр, бўйи 66 метр бўлган мазкур “Минг малак ва битта сурат” композицияси мумтоз Шарқ эртаги асосида тайёрланган. Мингта асар алоҳида композиция бўлиб, яхлит суратни ҳосил қилади.

“Фаришта тимсолини акс эттирган ҳар бир қисм алоҳида бир асар бўлса-да, улар йиғилгач, якуний ва тўлиқ композицияни ҳосил қилади”, деб интервью беради 68 яшар Леким Ибрагимов

“Agency France-Presse” ахборот агентлигига.

Ўзбекистон бадий академияси аъзоси ҳамда Россия санъат академияси фахрий аъзоси Леким Ибрагимовнинг айтишича, ўзбек ва хитой фреско санъатини ўзида уйғунлаштирган ҳамда Фарб рассомчилик техникаси асосида тайёрланган мазкур мега лойиҳани тайёрлашни ўнлаб йиллар давомида орзу қилиб келган.

Тегишли асбоб-ускуналар билан мазкур лойиҳа 20 тоннадан ортиқ бўлиб, 2,4 километрлик пўлат симлар билан ўрнатилди. Уни 500 метр квадратга ўрнатиш учун камида тўрт киши керак бўла-

ди. Асар аллақачон қароғали Прага етказилган бўлиб, бунда чех логистика компаниялари яқиндан ёрдам беришган.

Ибрагимовга кўра, асар ўзида Ўзбекистон тарихини мантиқан боғлаб туради. Унда Ислом динидан олдинги динлар маданияти ҳам қамраб олинган.

Асар Incheba Praha кўргазмалар марказида 9-21 июлида бўлиб ўтади. Унга кириш bepул. Чехиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Роман Масарик “Кўргазма Прага аҳолиси ва меҳмонларида катта қизиқиш уйғотади. Биз жаноб Ибрагимов ўз асарини би-

ринчи бўлиб Прагада намойиш қилаётганидан мамнунмиз”, деб таъкидлаган.

Алматида таваллуд топган Ибрагимов 1970-йилларда Тошкентга кўчиб келади. Шундан бери Ўзбекистонда шарқ маданиятига катта қизиқиш билан қараб, уни чуқур ўрганишга киришади.

Россиянинг тадбирларни ўтказиш билан шуғулланадиган компанияси мазкур мега-лойиҳани амалга оширишга яқиндан ёрдам беради. Ҳозирда мазкур лойиҳани Мадридда очиб осмон остида ўтказиш учун Мадрид шаҳар мэрияси билан музокара олиб борилмоқда. “Мадрид масаласида келишувлар якунланай деб қолди. Мадриддан кейин Флоренцияда намойиш этишни ният қилаяпмиз”, деб таъкидлади ташкилотчилар вакили Улуғбек Қосимхўжаев.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, “Минг малак ва битта сурат” композицияси Гиннеснинг рекордлар китобига кириштиш учун Гиннес жаҳон рекордлари қўмитаси топширилган. Умид қиламизки, ҳамюртимизнинг мазкур асари ушбу рўйхатдан ҳам жой олади.

## Медведев ягона валюта ҳақида ўйлашни таклиф қилди

Россия Федерацияси бош вазири Дмитрий Медведев Россиянинг собиқ пойтахти Санкт-Петербургда бўлиб ўтган бизнес-форумда Евроосиё иқтисодий иттифоқи тузилганидан сўнг ягона валюта тизимини жорий этишни ўйлаб кўриш керак, деб айтди. “Истиқбол ҳақида, Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида фикрлаш, ўйлаш керак. Албатта, ушбу масала бугунги куннинг долзарб масаласи эмас, лекин у ҳақда бош қотиришни бошлаш лозим”, деб қайд этди Россия ҳукумати раҳбари. Унинг фикрича, SDR, ягона ҳисоб-китоб бирлигини жорий этиш масалаларини назарда тутиш керак. Негаки, бу истиқболда ягона валютага олиб келиши мумкин.

## НАТО қуролларининг бир қисми Марказий Осиёда қолдирилиши мумкин

АҚШ ва НАТО Афғонистонда ишлатилган ҳарбий техникаларнинг маълум қисмини фойдаланиш ва шартли равишда сақлаш учун Марказий Осиё мамлакатлари учун қолдирилиши мумкин. Бу ҳақда “Коммерсантъ” газетаси хабар тарқатди. Маълумотларга қарганда, Пентагон шу кунларда ушбу масала юзасидан музокара олиб бормоқда. Унга кўра, қурол-яроннинг бир қисми бегараз, яна бир қисми сақлаш учун берилди. Бунда, асосан, ҳарбий-кўмак техникаларини бериш кўзда тутилмоқда. Қирғизистон мудофаа вазири ушбу масалада музокара олиб борилаётганини тасдиқлади. Шу билан бир қаторда, Афғонистон ҳукумати ҳам аксарият қурол-яроғни Афғонистон қуроли кучлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари учун олиб қолиш борасида музокара олиб бормоқда.

## Чехияда биринчи ўзбек ресторани очилди



Чехияда биринчи ўзбек ресторани очилди. Чехиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси тарқатган хабарда келтирилишича, мазкур тамаддихонада таомларни ўзбекистонлик ошпазлар тайёрлайди.

Чехия пойтахти Прагада очилган “Самарқанд” ресторанида ўзбек миллий таомлари - палов, қозон қабоб, лағмон ва шурва сингари овқатларни таноовул қилиш мумкин бўлади. Маълумотларга қараганда, Прагада турли миллатлар тамаддихонаси кўп бўлса-да, лекин ўзбеклар ресторани шу пайтга қадар бўлмаган. Шу пайтга қадар ўзбек миллий таомларини Карлови Варида истеъмол қилиш мумкин эди.

“Самарқанд” ресторани бир неча ўнлаб меҳмонлар сиғадиган катта зал, ўзбек топчан-сўрилари жойлашган VIP-хоналарга ҳам эга.

## АҚШ савдо вазири истеъфога чиқди

Калифорния штатида йўл транспорт ҳодисаси содир этган АҚШ савдо вазири Жон Брайсон соғлиғи ёмонлиги боис истеъфога чиққан. ББСнинг хабар беришича, Калифорния полицияси АҚШ савдо вазири Жон Брайсонга нисбатан тергов ҳаракатларини бошлаган эди.

Бунга сабаб у иккита транспорт ҳодисасини содир этган. Сўнгги маълумотларга қараганда, йўл ҳодисасини содир этган вазир ўз машинасида хушсиз топилган. Полиция ходимлари вазир авария содир этган вақтда наркотик моддалар ёки алкоголь маҳсулотлар таъсирида бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақидаги экспертлар хулосасини кутмоқда.

## Хитойлик футбол ишқибози Европа чемпионати

ўйинларини муттасил кўриши оқибатида вафот этган. У Англия терма жамоасининг ишқибози бўлиб, энди 24 ёшни қарши олган эди.

## Ухлашни унутманг, футбол ишқибозлари!

Шифокорларнинг айтишича, уйқусизликдан вафот этган. Европа чемпионатида қадар у соғлом бўлиб, ўзини тетик ҳис қилиб юрган. Аммо тўхтовсиз футбол мусобақаларини томоша қилиб борган фанат Италия - Ирландия ўйинини томоша қилган ва кўп пиво ичиб, уйга қайтган. Уйқуга ётиб, шу-шу қайтиб турмаган.

# Til tig'dan o'tkir

O'tmish zamonda bir mamlakatning podshosi qattiq kasal bo'lib qolibdi. Mashhur tabiblar ham ko'rib uni tuzata olmabдилar. Nig'oyat, bir donishmand chol podsho qoshiga kelib:

- Sher sutini ichsangiz tuzalasiz, - debdi.

Podsho jar chaqirtiribdi. Hech bir joydan biror kimsa: "Sher sutini men olib kelaman", demabdi. Oradan bir necha kun o'tgach, podsho saroyiga bir yigit kelib:

- Podshoga sher sutini men keltiraman, - deydi. Podsho:

- Sher sutini keltirsang, bosh-oyoq sarmo va tillalar beraman, - debdi.

Yigit podshodan to'rt qo'zi so'rabdi. Amaldorlar yigitga to'rt qo'zini tutqazishibdi. Yigit to'rt qo'zi bilan shahardan chiqib ketibdi. Cho'l yurib, suvsiz aro yo'l yurib, bir o'rmonzorga yetibdi. O'rmonning yonida bir dasht bor ekan. Yigit qo'zilarini bir joyga qo'yib, sekin haligi dashtga nazar tashlasa, uzoqda bir ona sher bolalarini emizib issiqda yaslanib yotgan ekan. Yigit ikki qo'ltig'ida ikkitadan to'rtta qo'zini ko'tarib o'rmon oralab sherga yaqinlashibdi. Yigit avval bir qo'zini sher tomon yuboribdi. Sher bolalari qo'zini tutib olib birpasda yeb bitiribдилar. Yigit shu tarzda ikkinchi, uchinchi qo'zini sher tomon yuboribdi. Sher bolalari ularni ham saranjomlab qo'yishibdi.

Nihoyat, yigit to'rtinchi qo'zini ko'tarib to'g'ri ona sher oldiga boribdi. Ona sher yigitga tashlanmabdi, balki qo'zilarini yuborayotgan o'sha yigit ekanligini anglab jim yotibdi. Yigit kelib bemalol sherning sutini sog'ib olibdi va iziga qaytibdi. Yigit yo'lda qaytib ketayotganida uning qo'l, oyoq va ko'z, tili o'zaro janjallashibdi.

Quloq: "Men jarchidan eshitdim, shuning uchun yigit bu vazifani bajardi", - desa, ko'z: "Avval men ko'rdim, mensiz yigit bu joylarga kela olmas edi", - debdi. Oyoqlari: "Bizlar yurib-yurib shu joylarga olib keldik, bizlarsiz yigit bir qadam ham ilgari siljimas edi", desa, ko'llar: "Biz avaylab sher sutini sog'dik, yigit murod-maqsadiga yetadi", - debdi. Indamay turgan til: "Ey og'aynilar, hammamiz bir jon, bir tanmiz, lekin dunyoda mendan o'tkir narsa yo'q. Chunki til tig'dan o'tkir, xonasi kelsa, tig'ni ham qaytaradi", - debdi. Hamma a'zolar o'zaro janjallashib, talashib, podsho saroyiga yetib kelganini bilmay qolishibdi.

Yigit podsho saroyiga kirib, qo'lidagi ko'zachani mahkam ushlagani holda, podsho oldiga yaqinlashganini sezmay qolibdi. Podsho atrofida amaldorlar, tabiblar turgan ekan. Podsho yigitdan:

- Qanday sut olib kelding? - deb so'ragan ekan, yigit shoshib qolib:

- Echkі suti, - deb yuboribdi. Podsho: - Jallod! - debdi.

Jallodlar kelib yigitning qo'l-oyog'ini bog'lamoqchi bo'lganlarida, podshoning dono vaziri:

- To'xtang, taqsir, bu sahroyi yigit, arkoni davlatni ko'rmagan, shoshib tili tutilib qoldi. Yana bir so'rang. Qo'lidagi ko'zachada nima olib kelganini aytib bersin, - debdi. Podsho yana so'rabdi. Shunda yigit, es-hushini yig'ishtirib olib:

- Taqsir, men sizga sher sutini keltirdim. Ana oling, - debdi.

Vazirlar yigitning qo'lidan idishni olib, tabiblar tekshirib qarasha, haqiqatan yigit sher sutini keltirgan ekan. Podsho sher sutini ichib sog'ayibdi. Yigitning tili so'zga kirib, boshqa a'zolariga qarab:

- Ey og'aynilar, ko'rdingizmi? Yigit shoshib qolib, tili g'uldirab, yanglishib: "Echkі suti", deganida bekorga o'lib ketar edi. Es-hushini yig'ishtirib, o'ylab to'g'risini aytgani uchun o'limdan qoldi. Til tig'dan o'tkir deb, bekorga aytmaganlar, - debdi.

# «Устоз» сканворди

|                          |                          |              |                                      |                        |                         |                   |        |
|--------------------------|--------------------------|--------------|--------------------------------------|------------------------|-------------------------|-------------------|--------|
| Мен<br>Мангу-берди       | Италия<br>пул<br>бирлиги | Жума         | Чипор                                | Инсон<br>Грек<br>харфи |                         |                   |        |
|                          |                          |              |                                      |                        |                         |                   |        |
|                          |                          |              | Мирхамидова                          | Қўшимча                |                         |                   |        |
|                          |                          |              | Забт                                 | ... ва<br>Димна        |                         |                   |        |
|                          |                          |              | Чақа                                 |                        |                         |                   |        |
|                          |                          |              | Илож                                 |                        |                         |                   |        |
|                          |                          |              |                                      | Тропик<br>мева         |                         |                   |        |
|                          |                          |              |                                      | Ҳашорат                |                         |                   |        |
|                          | Таъкид<br>юкла-<br>маси  |              | Тоғ<br>(Қирғ.)                       |                        |                         |                   |        |
|                          |                          |              | Ширам                                |                        |                         |                   |        |
| Бугдой<br>маҳсу-<br>лоти | Қизлар<br>исми           | Сан-<br>тьго |                                      |                        |                         | Баланд<br>иншоот  |        |
|                          |                          |              |                                      |                        |                         |                   |        |
|                          | Пок                      |              |                                      |                        |                         | Товуш             |        |
|                          |                          |              | Дудоқ                                |                        |                         | Шаҳар<br>(Туркия) |        |
|                          |                          |              | Хат                                  |                        |                         |                   |        |
|                          |                          |              | Саноқ<br>сон                         | Гул...                 | Хуро-<br>фот            |                   | Греция |
|                          |                          |              | ...дарё                              |                        |                         |                   | Бахт   |
|                          |                          |              | Бош-<br>ланиш                        |                        |                         |                   |        |
|                          |                          |              | Ҳид                                  |                        | Қизиқ<br>«Рама-<br>яна» |                   |        |
| Эргаш<br>...<br>(бахши)  | Бўёқ<br>Булоқ            | Носоз        | Муҳам-<br>мад САВ<br>оналари<br>исми |                        |                         |                   |        |
|                          |                          |              |                                      |                        | Арабча<br>белги         |                   |        |

## Aldarko'sa va boy

Bir kuni Aldarko'sa yo'lda ketayotsa, uning oldidan boy chiqib qolibdi. U Aldarko'saga:

- Hoy Aldarko'sa, qani meni bir aldab ko'r-chi, qo'lingdan kelarmikan? - debdi. Aldarko'sa qarasa boy juda takabbur ko'rinadi. Aldarko'sa "buni qanday qilib aldasam

ekan, quruq aldasammikan yoki ho'l aldasammikan", deb o'ylanib turibdi-da:

- Boy ota, aldar edimu hozir kayfim yo'qroq, - debdi.

- Nega kayfim yo'q? - debdi boy.

- Bir odamdan uch tanga olgan edim, shu ta'bimni xira qildi.

- Mana, senga yeb ketarga uch tanga. Qani, endi aldab qo'yasanmi? - deb boy unga pul tutqazibdi.

- Rahmat sizga, boy ota, men mana bu pulni haligi nokastaga berib, kelishda aldar xaltamni olib kelaman. Ana undan keyin hangomani ko'rasiz, - deb Aldarko'sa jo'nab ketibdi.

Boy uni yetti xuftongacha kutibdi, kelmabdi. Shundan keyingina aldanganini bilibdi.

**Нью-Йоркнинг Бруклин шаҳрида футболга қизиқувчи юртдошларимиз томонидан футбол ўйини ташкил қилишди. Каллаи саҳарлаб стадионда йиғилишган ҳамюртларимиз ўша куниёқ "Ватандош" футбол жамоасига асос солишди.**

## «Ватандош» футбол жамоаси ганаликларни мағлуб этди

Жамоа таркибида бир неча йиллардан бери футбол билан шуғулланиб келаётган ёшлар ҳам мавжуд, ундан ташқари, бруклинлик ҳаваскорларни ҳам учратиш мумкин.

Ўша куни "Ватандош" футбол жамоаси ганалик ёшлардан тузилган жамоа таклифи билан улар билан футбол ўйнади. Улар 8 киши экан, ҳамюртларимиз эса атиги 7



киши бўлса-да, майдонга тушишди.

Рақибларга Ўзбекистон ҳақида маълумот берилди. Ватанимизнинг ўзига хос жиҳатлари айтиб ўтилди.

Хуллас, ўйин бошланди. Кўринишидан, ўзларини тутишларидан, ҳаракатларидан ганаликлар "Ватандош" жамоасини менсимасдан ўйин бошлашди. Жамоамиз вакиллари эса вазиятни ўргангач, ганалик ёшлар дарвозаси олдида кетма-кет хавфли ҳужумлар уюштириб, рақибни роса овора қилишди ва 5 та гол уришга муваффақ бўлишди.

Ўйиннинг охири дақиқаларига келибгина рақибимиз 1 та гол уришга мушарраф бўлди. "Ватандош" жамоаси голларига Дилшод (3та), Сирожиддин ва Бобур муаллифлик қилишди.

Қисқача айтганда, "Ватандош" жамоасининг биринчи ўйини ғалаба билан бошланди. Футболчиларимиз бирор бир спорт турига ишқибозлик қилиш ёки шуғулланиш ҳаётларига оз бўлса-да мазмун бағишлашини айтиб ўтишди. Ўйлаймизки, кейинги йиғинларимизда жамоамиз таркиби ватандошлар билан бойийди.

**BRAMSON ORT**  
COLLEGE [www.BramsonORT.edu](http://www.BramsonORT.edu)

**QUEENS CAMPUS**  
69-30 Austin Street, Forest Hills  
877-404-5373  
Zoya Yakubova ext. 178

**BROOKLYN CAMPUS**  
8109 Bay Parkway, Brooklyn  
877-472-1097  
Tatyana Golovko ext. 233

- ACCOUNTING
- PARALEGAL
- BUSINESS & HOTEL MANAGEMENT
- BUSINESS MANAGEMENT ONLINE DEGREE
- ADMINISTRATIVE ASSISTANT
- MEDICAL ASSISTANT
- PHARMACY TECHNICIAN
- PROFESSIONAL BILLING AND CODING
- ELECTRONICS TECHNOLOGY
- HVAC & CADD
- RENEWABLE ENERGY TECHNICIAN
- COMPUTER NETWORKING
- COMPUTER PROGRAMMING
- GRAPHIC DESIGN (MAC & PC)
- GAME DESIGN & PROGRAMMING
- WEB DESIGN & WEB ANIMATION
- ENGLISH AS A SECOND LANGUAGE

**GET YOUR DEGREE!**

**LOW TUITION!**

**REGISTER TODAY**

**EDUCATION is The SECRET to SUCCESS!**  
**Invest in YOUR FUTURE!**

**Open House**  
**May 6th, 2012**  
**12 - 4 pm**

- ✓ ПОМОГАЕМ В ТРУДОУСТРОЙСТВЕ
- ✓ ОКАЗЫВАЕМ ФИНАНСОВУЮ ПОМОЩЬ
- ✓ КЛАССЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ
- ✓ ДНЕВНЫЕ, ВЕЧЕРНИЕ И УТРЕННИЕ КЛАССЫ

The Bramson ORT Programs Gainful Employment Disclosures are posted on [www.BramsonORT.edu](http://www.BramsonORT.edu)